



Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги нashри

Postda На посту

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

2020-yil
3-sentabr
payshanba

№ 31 (4469)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони билан мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатган бир гуруҳ ички ишлар органлари ходимлари турли даражадаги давлат мукофотлари билан тақдирланди.

II даражали «Шон-шараф» ордени билан
Саидов Олим Чорикулович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан
Кондрикова Ольга Александровна – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбий-сафарбарлик бўлими катта инспектори

«Мардлик» ордени билан
Бегматов Отабек Эгамбердиевич – Сирдарё вилояти Сардоба тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган тиббиёт соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига кўра, Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, хусусан, коронавирус пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш, санитар-эпидемиологик осойишта-

ликни таъминлаш ишига ўзининг билим ва салоҳияти, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшгани, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги алоҳида хизматлари, ўз ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйиб, муқаддас шифокорлик бурчини виждонан адо этишдаги жасорати ва фидойилиги учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди.

I даражали «Саломатлик» ордени билан
Усмонов Ҳошим Ҳамидович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали бошлиғи

II даражали «Саломатлик» ордени билан
Каримова Наргиз Қуддусовна – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлими бош шифокори
Нуруллаев Қурбонназар Аминович – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси даволаш-профилактика ёрдам кўрсатиш хизмати бош шифокори

УЛАР ҲАҚИҚИЙ ҚАҲРАМОНЛАР



Коронавирус пандемияси бошланган пайтдан ҳозирги кунгача мамлакатимиз аҳолиси кўплаб оғир ва синовли кунларни бошидан ўтказди. Айна пайтда карантин чекловлари бироз юмшатиш бўлса-да, ҳали ҳам коронавирус хавфи бутунлай чекинди, деёлмаймиз. Касалликка чалиниш ҳолатлари кам бўлса-да, кузатиляпти. Коронавирус марказларида, ихтисослаштирилган шифохоналарда беморлар даволанмоқда. Энг муҳими, даволаниб чиққанлар кўрсаткичи кун сайин ошиб борапти. Бу ижобий натижалар замирида, шубҳасиз, ўша шифохоналарда фаолият кўрсатаётган, ҳаётини хатарга қўйиб, касалланганлар билан бирга курашаётган тиббиёт ходимларининг фидойи хизматлари ётибди, десак, асло янглишмаган бўламиз.

Таъкидлаш лозимки, тиббиёт ходимларига эш бўлиш, уларга яқиндан кўмак бериш мақсадида мамлакатимиздаги ҳарбий шифокорлар ҳам илғор ташаббус билан чиқишди. Қисқа фурсатларда Мудофаа вазирлиги томонидан 814 ўринли, Давлат хавфсизлик хизмати томонидан 520 ўринли, Ички ишлар вазирлиги томонидан 750 ўринли тез тиббий ёрдам кўрсатадиган даволаш муассасалари ишга туширилди. Айна ана шу вақтинчалик шифохоналарда фаолият кўрсатиб келаётган тажрибали ҳарбий шифокорлар фидойилиги бугун коронавирус балоси камайишга замин яратди, дейиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Нурметов Огабек Хусанназирович – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

«Жасорат» медали билан Кайпназаров Есемурат Калбаевич (мархум) – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бўлим бошлиғи

«Содиқ хизматлари учун» медали билан Бегманов Лазиз Гуломович – Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Вафоев Махкам Миржоневич – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи

Ибадуллаев Мақсуд Назарович – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати катта инспектори

Ирматов Шерзод Аширкулович – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги йўл-патруль хизмати инспектори

Итоқов Тўлқинжон Юсупович – Бухоро вилояти Қорақўл тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи

Машарипов Рашид Юсупбаевич – Қорақалпоғистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бўлими бошлиғи

Нигай Виктория Виссарионовна – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси катта инспектори

Норбоев Сайёт Раҳмонбердиевич – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси биринчи минтақавий ҳудуд йўл-патруль хизмати отряди инспектори

Нурбердиев Жанибек Сахибекович – Навоий вилояти Томди тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Халиков Умид Ибрагимович – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

Хасанов Фарход Фаттахович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари

Ҳайитов Шаҳоб Қайимович – Бухоро вилояти Ромитан тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Эштухтаров Уктам Бердиназарович – Қашқадарё вилояти Косон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

«Соғлом турмуш» медали билан

Деканбаев Шерзод Баходирович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жанговар, хизмат ва жисмоний тайёргарликни ташкиллаштириш бўлими муҳим топшириқлар бўйича инспектори

«Шуҳрат» медали билан Абдурахманов Жамолiddин Абдусаламович – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси иккинчи минтақавий ҳудуд йўл-патруль хизмати отряди инспектори

Артикбаев Исмоил Алисаидович – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Ережеев Марат Избасарович – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Қуванов Ботирали Обидович – Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Қурбанов Абжаббор Исакулович – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш отряди командири

Мамадалиев Адхамали Ахмадалиевич – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати катта инспектори

Мирзоев Фаррух Шокирович – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Муминов Камол Шералиевич – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Мухамедов Олимжон Кабилевич – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Мухаммадиев Алишер Шуҳратович – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати катта инспектори

Ражабов Барат Ачилович – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

Рахмонов Жалолхон Султоналиевич – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бўлими бошлиғи

Рузметов Умидбек Жанибекович – Хоразм вилояти Хазорасп тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Усманов Азиз Акрамович – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси отряд командири

Ходжиматов Ойбек Гуломидинович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

Эргашев Мафтунбек Мухаммад-солиевич – Наманган вилояти Норин тумани ички ишлар бўлими тезкор вакили

Эшмуратов Фахриддин Хасанович – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл-патруль хизмати отряди инспектори

УНВОН МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма тўққиз йиллик байрами муносабати билан ҳамда хизмат вазибаларига сидқидилдан ёндашиб, мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш, карантин объектларида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, саралаш ва тақсимлаш марказларида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган қуйидаги бир гуруҳ ходимларга наватдаги «полковник» махсус унвони берилди:

Исмаилов Тимур Камалатдинович – ИИБ бош бошқарма бошлиғи

Жўрабоев Озодбек Абдуқаҳҳарович – ИИБ Ташкилий департаменти, мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи

Гаппаров Нодир Захидович – ИИБ бошқарма бошлигининг ўринбосари

Юсупов Баходир Батирович – ИИБ Жазони ижро этиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи – шифокор

Абдуллажонов Нодир Боқижонович – ИИБ бўлим бошлиғи

Избасаров Бахтжан Алмаханович – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари

Уралов Шароф Уразалиевич – Сирдарё вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари

Батиров Кодир Раджаббаевич – Бухоро вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари

Султанходжаев Равшан Ирқинович – Тошкент шаҳар ИИББ Ташкилий бошқарма бошлиғи

Норчаев Даврон Очилевич – Самарқанд вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи

Шермухамедов Абдумажид Мавлянович – Тошкент шаҳар ИИББ бошқарма бошлигининг ўринбосари

Ахроров Шуҳрат Абдуллаевич – Тошкент шаҳар ИИББ Олмазор тумани бўйича ИИОФМБ 9-сон ИИБ тергов бўлими бошлиғи

УЛАР ҲАҚИҚИЙ ҚАҲРАМОНЛАР

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Хусусан, пандемияга қарши курашишда, касалланганларни соғлом ҳаётга қайтаришда ИИБ Тиббиёт бошқармаси тизимидаги даволаш муассасаларининг жонкуяр ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.

Жорий йилнинг 17 июлидан ИИБ Марказий госпиталида ташкил этилган «COVID-19»га ихтисослаштирилган 120 ўринли стационар муассасада ҳозирги кунгача 337 нафар бемор қабул қилиниб, аксарияти даволаниб чиқибди. ИИБ томонидан ташкил этилган пойтахтимиздаги Бадий гимнастика спорт мажмуасидаги вақтинчалик шифохонада ҳам 1591 нафар бемор қабул қилиниб, ҳозиргача 1135 нафари шифо топди. Қолганлари даволанмоқда. Таъкидлаш лозимки, Бадий гимнастика спорт мажмуасидаги



вақтинчалик шифохонада фаолият юритаётган катта ва аҳил жамоани шакллантиришда Марказий госпитал салмоқли ишни амалга оширди. Айни пайтгача госпиталнинг фидойи ходимлари «икки фронтда жанг олиб боришмоқда».

Пандемияга қарши муносиб курашган барча саломатлик посбонлари қатори, ИИБ Тиббиёт бошқармаси тизимидаги тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнатлари ҳам бесамар кетмади. Президентимиз фармонида кўра, полковник

Ҳошим Усмонов I даражали «Саломатлик» ордени билан мукофотланди.

– Президентимиз томонидан янги таъсис этилган I даражали «Саломатлик» ордени билан мукофотланганимни эшитиб, шундай касбда фаолият кўрсатаётганимдан янада фахрланиб кетдим. Тўғриси, бундай хушxabарни асло кутмаганим, – дейди полковник Ҳ. Усмонов. – Менга берилган бу мукофот бутун жамоанинг меҳнати, куну тун қилган хизматлари натижасидир. Мазкур орден ҳарбий шифокорларимизнинг бемор соғлиғи учун тик оёқда хизмат қилгани, уларни ҳаётга қайтариш учун курашган бедор тунлари маҳсулидир. Бу юксак мукофотга лойиқ кўргани учун Юртбошимизга, вазирлик раҳбариятига ўз миннатдорлигимни билдираман.

Фозилжон МАМАШАРИПОВ, «Postda» мухбири. Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ



...Урганч-Хонқа автомобиль йўлида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси ички ишлар органлари ходимларини оёққа тургазди. Номаълум автомашина ҳайдовчиси йўловчини уриб юбориб, воқеа жойидан қочиб кетган. Оқибатда йўловчи воқеа жойида вафот этади. Тергов-тезкор гуруҳи ходимлари

ИПХ инспектори Собирнинг қўшни туманда яшовчи тоғасининг уйига борганида қидириладиган «Нексия» ҳовлида устига мато ёпилган ҳолда турарди. Автомашинанинг олдинги ўнг томон қанотида йўл-транспорт ҳодисасидан қолган жиноят излари шундоқ кўриниб турарди. Ичкари хонадан ИПХ инспекторини диққат билан кузатиб турган Собир тақдирга тан беришдан бошқа чора тополмади.

Жиноятни фош этишдаги фаол иштироки учун вилоят ИИБ ЙХХБ алоҳида ИПХ отряди 2-сафарбарлик гуруҳи ИПХ катта инспектори, сафдор Мақсуд Ибадуллаев вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Бу воқеа қаҳраонимизнинг хизмат фаолиятдан бир лавҳа эди, холос. ...Вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармасининг алоҳида батальонига хизматга қабул қилинган сафдор Мақсуд Ибадуллаев устозларининг маслаҳатларига, ўғитларига амал қилди. Билма-

Қаҳраонимизнинг хизмат фаолиятидаги натижаларини рақамлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, у жорий йилнинг ўтган даврида 938 та йўл-транспорт ҳаракати билан боғлиқ қоидабузарликларни аниқлашга эришди. Шундан 735 таси қўпол қоидабузарликлардир. Шунингдек, у йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича ўтказилган тарғибот тадбирларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Бундан ташқари, катта сержант Мақсуд Ибадуллаев вилоят ҳудудида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида ташкил этилган 47 та блок постда ҳам самарали хизмат қилди.

– Танлаган касбига меҳр қўйган киши ҳар бир даққанинг қадрига етиб, унумли меҳнат қилишга, самарали натижаларни кўлга киритишга интилади, – дейди вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Умирбек Рўзметов. – Катта



ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД

Саодат маскани



*Не кунлар ўтмади бошингдан элим,
Шонли тарихингдан яйрайди дилим.
Озод, обод юрtda ўйнаб-қуламан,
Таърифинг сўзлаша оғизидир тилим.
Қўдрат манбаисан азиз, жонажон,
Бағрингда бахтлимиз, ҳур Ўзбекистон.*

*Бошимизда ёруғ, мусаффо осмон,
Шўқур, халқим омон, шўқур, сен омон.
Осуда кунларинг кўзимга суртгим,
Аждодларим руҳи мададор ҳар он.
Қўдрат манбаисан азиз, жонажон,
Қадрни улғуйимсан, ҳур Ўзбекистон.*

*Бошим сизлаб яхши кўргоним, халқим,
Отамдай меҳрибон, кўргоним халқим.
Бағрингда шод ўсиб, улғаяр авлод,
Отамдай парвонам, широгим халқим.
Қўдрат манбаисан азиз, жонажон,
Саодат маскани, ҳур Ўзбекистон.*

*Бизларга яратиб чексиз имконлар,
Жондай асрар сени қизу ўғлонлар.
Бирлашиб энг катта кучмиз, қўдратмиз,
Ҳали лол қолади сенга дунёлар.
Қўдрат манбаисан азиз, жонажон,
Келажаги буюк, ҳур Ўзбекистон!*

**Моҳичеҳра ХУРСАНОВА,
ИИБ Сирдарё академик
лицейи ўқувчиси.**

ДИЛ ИЗҲОРИ

Ватанга бурчлимиз!

Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Соҳил бўйлаб чопайтган Олапар» номли асаридида овга чиққан бобо, ота ва боланинг қайғи қуюқ туман билан қопланган поёнсиз денгизда адашиб кетади, ичимлик суви озлигидан шу сувни бир томчи бўлса-да, болага қолдириш учун ўзини денгизга ташлаган бобо Ўрхун – Ўрхун Шамолга, ота Эмрайин – Эмрайин Бўронга айланиб кетади. Мақсад – қандай бўлмасин, болани омон асраб қолиш, токи зурёди Ер юзидан йўқолиб кетмасин. Бунинг учун улар қўлларидан келган ҳамма ишни қиладилар.

Мустақиллик дегани ҳам, аслида, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги ва маърифати учун ҳамма қўлидан келган ҳамма яхши ишни қилиши, софлик ва ҳалоллик, ички бир муҳаббат билан меҳнат қилиб, унинг гўзал натижаларини кўриш деганидир.

Бугун ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган ходимлар ҳам ана шу эзгу ният билан олис йўлга чиққан. Бу йўлда, қандай талотўплар бўлишидан қатъи назар, улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришда давом этадилар. Мен бунга аминман.

Азизлар, барчангизга Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муборак бўлсин!

**Феруз ҚИЛИЧЕВ,
ИИБ Малака ошириш институти
Сурхондарё филиали раҳбари, майор.**

ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ САМАРАСИ

воқеа тафсилотини синчковлик билан ўрганиб, йўл-транспорт ҳодисаси қизил рангли «Нексия» автомашинаси ҳайдовчиси томонидан содир этилган, деган хулосага келишди. Зудлик билан қидирув-суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Вилоят ҳудудидаги барча қизил рангдаги «Нексия» автомобиллари кўздан кечирилди. Аммо улар орасида К.Собирга тегишли бўлган автомашина йўқ эди. Хонадон соҳибасининг айтишича, турмуш ўртоғи бундан бир hafta аввал Тошкентга зарур иш билан кетган. ИПХ инспектори, сафдор Мақсуд Ибадуллаев дарҳол суриштирув натижалари бўйича гуруҳ командирига ахборот берди. У зудлик билан чегара ҳудудларидаги барча блок постлар билан боғланиб, гумонланаётган автомашинанинг вилоятдан ташқарига чиқмаганлигини аниқлади.

Ушбу маълумот асосида ёш, синчков ИПХ инспектори, сафдор М.Ибадуллаев ҳудуд профилактика инспектори билан яна Собирнинг хонадонига келди ва унинг турмуш ўртоғини саволга тутди. Ёлгон кўрсатма беришнинг ҳуқуқий жиҳатини англаб етган аёл бор ҳақиқатни айтиб берди.

ганларини сўраб ўрганди. Орадан кўп вақт ўтмай мустақил иш юрита оладиган, буйруқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида бажарадиган ғайрат-шижоатли ходимга айланди. Шунингдек, зиммасидаги вазифаларни ўз вақтида бажариб, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок эта бошлади. Айниқса, ёш ходимнинг майда ташмачиликка қарши курашишдаги самарали фаолияти кўпчиликка ибрат бўлди. Хизматда ижобий ютуқларга эришаётган йигит кўп ўтмай тажрибали ходимлар сафидан муносиб жой олди.

Орадан беш йил ўтгач, етарли билим ва тажрибага эга бўлган Мақсудни вилоят ИИБ ЙХХБ алоҳида ИПХ отряди 2-сафарбарлик гуруҳи инспектори лавозимига тайинлашди. У бу вазифада ҳам масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, сидқидилдан хизмат қилди. Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда жонбозлик кўрсатди.

Илм олишга иштиёқманд Мақсуд шу орада ИИБ Академиясининг сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсида таҳсил олди.

сержант Мақсуд Ибадуллаевнинг табиатида ҳам ана шундай фазилатларни кўришимиз мумкин. У ўтган йиллар давомида ўзига хос тажрибага эга бўлган маҳоратли ички ишлар ходими сифатида шаклланди. Ёш ходимларимизнинг меҳрибон устози, талабчан мураббийига айланди. Бундай эътироф уни янада юксак чўққилар сари етаклади.

Ун етти йилдан буён халқ осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифани муносиб тарзда адо этиб келаётган катта сержант Мақсуд Ибадуллаев ўзининг ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор топди. Ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Инсон ҳаётида амалга оширилган ҳар бир эзгу ва хайрли иш, фидойи меҳнат эътиборсиз қолмайди. Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан ИПХ катта инспектори, катта сержант Мақсуд Ибадуллаев Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони мувофиқ, «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

**Худойберган ЖАБОРОВ,
«Postda» муҳбири.**

Хоразм вилояти.



Саъдулла АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ЮКСАК МУКОФОТ СОҶИБЛАРИ



МОҶИР ЭКСПЕРТ, ТАЖРИВАЛИ УСТОЗ

Ички ишлар органлари тизимида эксперт-криминалистика хизматининг ўрни катта. Чунки содир этилган жиноятни «иссиқ изида» фош этиш, жиноятга алоқадор далилларни тўллаш ва исботлашда моҳир экспертларнинг билим ва тажрибаси ҳамisha асқатади.

Фарғона вилояти ИИБ Эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи, подполковник Умид Холиқов мазкур соҳада узок йил фаолият кўрсатиб, катта тажриба тўплаган ана шундай соҳа фидойиларидан бирidir.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллик байрами унга қўшалок қувонч ҳадаётиди: Юртбошимиз фармонига кўра, «Содиқ-хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

Юксак мукофот соҳибини қўшалок байрам билан қутлаш мақсадида хизмат хонасига борганимизда, шогирдлари билан бирга тизимга янги жорий этилган «ПАПИЛОН-9» дастурида иш олиб бораётган экан. Бизни самимий қутиб олган қаҳрамонимиз мазкур янги тизимнинг афзалликлари ҳақида икки оғиз гапириб берди:

– Содир этилган жиноятларнинг тезда фош этилишини таъминлаш, эксперт-криминалистика бўлиминларидида автоматлаштирилган дактилоскопик таққослаш тизими дастурий таъминотини модернизация қилиш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ташаббуси билан жорий йил 1 февралдан тест режимида «ПОЛИФЕЙС» ҳамда «ПАПИЛОН-9» дастури орқали муқаддам содир этилган 6 та қотиллик, 6 та босқинчилик, 64 та ўғирлик жиноятларига аниқлик киритилди. Шунингдек, «ПОЛИФЕЙС» видеоконтент дастури орқали 4 та ҳолат юзасидан номаълум шахсларнинг анкета маълумотлари аниқланди.

Моҳир экспертнинг таъкидлашича, жорий йил 8 апрелдан бошлаб,

Фарғона шаҳар И И О Ф М Б Д а фуқароларнинг бармоқ изини дактилоскопик сканер ёрдамида олиш синов-

дан ўтказила бошланган. Бунинг учун Россиянинг «Папилон» компаниясининг «ДС-30Н» дактилоскопик сканери олиб келиниб, самарали фойдаланилмоқда.

Шунингдек, вилоят ИИБ Эксперт-криминалистика бўлимида криминалистик лаборатория ташкил этилмоқда. Келгусида ушбу лабораторияда ҳодиса жойидан олиб келинган ашёвий далиллар билан ишлаш ва тадқиқотлар ўтказиш имкониятлари янада кенгайди. Албатта, бундай замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш ва ёш ходимларга ўргатишда подполковник У. Холиқовнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Тажрибали эксперт вилоятда содир этилган мураккаб эпизодли жиноятларни «иссиқ изида» фош этишга ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Масалан, шу йил 1 мартдан 2 мартга ўтар кечаси Олтиариқ тумани «Қапчугай» маҳалла фуқаролар йиғини Полосонобод кўчасида жойлашган савдо дўконига ўғирлик содир бўлган эди. Номаълум шахс дўкон эшигини қалит танлаш йўли билан очиб, пул ва кўп миқдордаги маҳсулотларни ўғирлаб кетган. Ушбу жиноятни фош этишда У. Холиқов фаолият кўрсатиб, савдо дўконига ўрнатилган видеокузатув камерасига қайд этилган номаълум шахснинг юз тасвирини «ПОЛИФЕЙС»

видеоконтент тизими орқали текшириш керак, деган хулосага келди. Унинг фикри бўйича иш кўрилганида,



қалбининг туб-тубидан ҳис этадилар. Ана шундай бахт насиб этганлардан бири Навоий вилояти Томди тумани ИИБ ХҲП 89-таъяч пункти профилактика инспектори, майор Жанибек Нурбердиевдир.

Саховати куёшдек беминнат, гурури пуракдор тоғлардан-да баян, қалби осмондек кенг, меҳри дараё халқимизнинг фарзанди бўлиш ва унинг манфаатлари учун хизмат қилиш улуг бахт. Бу бахтни, айниқса, ички ишлар органлари тизимида фидойилик билан фаолият олиб бораётган ходимлар ҳар нафасда

Унинг хизмат ҳудуди бўлган «Сукетти» овул фуқаролар йиғинида 1300 дан ортиқ аҳоли тинч-тотув истиқомат қилиб келмоқда. Овул хафсизлиги ва осойишталигини таъминлашда майор Жанибек Нурбердиевнинг ҳиссаси бекиёс.

– Сукетти овули бамисоли менинг катта бир оилам, – дейди қалби гурур ва ифтихорга тўлган қаҳрамонимиз. – Овул аҳолисининг қувончига шерик, ёмон ахлисида ҳамдард, суянчиқ бўлиш мен учун улкан шараф. Яқинда овулимизда истиқомат қилувчи фуқаро Н.М. кейинги пайтларда турмуш ўртоғи К.Д. спиртли ичимликка ружу қўйиб, маст ҳолда оилада жанжал кўтариб, рўзғори тинчлигини бузаятганлигидан шикоят қилиб қолди. Унинг муурожаати обдан ўрганилгандан кейин Н.М.га ҳимоя ордери берилди. «Сукетти» ОФЙда ушбу оилани яраштирув масаласи муҳокама

Жанибек Нурбердиевнинг сай-ҳаракатлари ўзининг ижобий натижасини бериб, жорий йилнинг 8 ойи мобайнида овул ҳудудида бирорта ҳам жиноят содир этилмади. У туман ҳудудида ўтказилган «Профилактика куни», «Қидирув», «Арсенал», «Назорат», «Паспорт-Виза», «Қорадори – 2020», «Турмуш», «Орият», «Меҳмон» каби кенг қамровли тезкор-профилактик тадбир-

НОЁБ БАХТ

қилинди. Бу амалий ишлар ўзининг ижобий натижасини бериб, оилада осойишталик қарор топди.

Жонқуяр ходим жорий йил бошидан буён овул аҳолиси ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича 30 га яқин профилактик тарғибот ишлари олиб борди. Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бўйича 3 мартта оғохлантирув тадбири ташкил этди. Ҳуқуқбузарликларнинг яқка профилактикаси бўйича ҳам чора-тадбирларни амалга ошириб келяпти. Жиноят ва қоидабузарликлар содир этишга мойил бўлган 37 нафар шахс билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб борди. 29 нафар шахсни расман оғохлантириб, 11 нафар шахсни эса профилактик ҳисобга олди.

ларда ҳам фаол иштирок этиб келяпти. Пандемия даврида овул аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, жумладан уларни озик-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситалари билан таъминлашда бевосита қатнашди. Жорий этилган карантин чекловлари сабаб ҳудудда тартиб-қоидаларга амал қилинишини қатъий назоратга олди. Овулда ташкил этилган кўча дўконларда нарх-наво барқарорлаштирилишига, аҳолига маҳсулотларнинг узлуксиз етказиб берилишига бош-қош бўлди. Шунингдек, карантин чекловларига амал қилмаган 3 нафар фуқарони аниқлашиб, уларга нисбатан маъмурий баённома тузди.

мазкур жиноятни Кўқон шаҳрида яшовчи фуқаро Р.Ш. содир этганлиги бир зумда ойдинлашди.

Шу йил 7 май куни Фарғона шаҳар Саноат кўчасидаги қурилиш тугалланмаган бино ёнидан топилган аёл жинсига мансуб, тахминан 40–50 ёшдаги мурданнинг шахсини аниқлашда ҳам қаҳрамонимизнинг тажрибаси қўл келди. Мурдадан олинган бармоқ излари вилоят ИИБ ЭКБда мавжуд бўлган «Сонда» автоматлаштирилган дактилоскопик таққослаш тизимида киритилиб, муқаддам судланган, жиноят қилишга мойил бўлган шахсларнинг дактилокарталари билан солиштирилди. Натижада мурда Фарғона шаҳар Хўжанд кўчасида яшовчи, 1969 йилда туғилган фуқаро М. О. бўлиб чиқди.

Подполковник У. Холиқов хизмат фаолияти мобайнида тўғрисиқ, меҳнатсевар, тиришқоқ ходим сифатида танилиб, зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга одатланган. Тажрибаси катта бўлса-да, ўз устида тинимсиз ишлайди, изланади. Ўз билганларини қўл остида ишлаётган ёш шогирдларига эринмай ўргатади.

– Давлатимиз раҳбари хизматимни қадрлаб, юксак мукофотга лойиқ қўрганидан жуда мамнунман, – дейди қаҳрамонимиз. – Бу мукофот нафақат менга, балки бутун шахсий таркибимизга, мен билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётган шогирдларимга ҳам берилган рағбат деб ҳисоблайман. Келгусида бу ишончни оқлаш учун янада куч ва ғайрат билан хизмат қилишга астойдил ҳаракат қиламан.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, подполковник Умид Холиқовнинг падарни бузруқвори, истеъфодаги подполковник Иброҳим Холиқов ҳам ички ишлар органларида узок йиллар хизмат қилиб, нафақага чиққан. Ўғлининг давлат мукофотида сазовор бўлганини эшитиб, отахоннинг ҳам кўзларидан секин ёши қалқди.

– Ҳар куни дўстлар, қадрдонлар, собиқ ҳамкасблар кўнғироқ қилиб, табриклашмоқда, – дейди отахон мамнун ҳолда. – Шундай фарзанд ўстирганим учун раҳмат айтишмоқда.

Ота учун бундан ортиқ мукофот, бундан зиёда бахт борми?

Абдувосит СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.

Фарғона вилояти.



Жанибек Нурбердиевнинг фидойиларча хизмати давлатимиз томонидан юксак эътироф этилиб, Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида Юртбошимизнинг фармонига мувофиқ «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Осойишталигимизнинг жонқуяр посбони ҳавас қилса арзигулик оила бошлиғи. У турмуш ўртоғи Гулзамира Иниятова билан икки ўғил ва бир қизни яхши ниятларда тарбияламоқда. Улар ота-онасининг орзу-умидларини ушалтириб, элу юртимизга муносиб инсонлар бўлиб етишишига тилкадошмиз.

Дилрабо АБДУҲАМИДОВА,
Навоий вилояти.

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Қийинчиликлар мардонавор енгиб ўтилса, марралар албатта забт этилаверади

Жамшид сўзи «улуғ», «улкан», «муаззам», «буюк», «қудратли» деган маъноларни англатар экан. Фарғона шаҳрида таваллуд толган Жамшид Узоқовга ҳам ота-онаси келажақда буюк ишларнинг бошида турсин дея, яхши ниятда шу исмни қўйган эди. Мана, бугун у улуғ бир ниятда, улкан ишларни амалга ошириш йўлида мамлакатимиз раънақиға ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Жамшид ёшлиғидан ички ишлар органи ходими бўлишни орзу қилди. Дастлаб Фарғона вилояти ИИБда патруль-пост йўналишида фаолият юритди. Олдига катта мақсадларни қўйган қаҳрамонимиз ўша пайтдаги ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртига ўқишга кирди. Сўнгра Тошкент юридик институтини ҳам тамомлади. Соҳада турли лавозимларда хизмат қилган Жамшид Узоқов Ички ишлар вазирлиги Марказий аппаратидан майор унвонига пенсияга чиқди.

У «бўлди, энди нафақа пулини олиб, мазза қилиб дам олиб ётаман», демади. Тадбиркор дўстлари унга бино ва иншоотларнинг томини ёпишда ишлатиладиган шифер маҳсулоти олди-сотдиси билан шуғулланишни таклиф этиб қўлишди. Жамшид дастлаб бунга рози бўлди. Аммо шиферни олиб сотгандан кўра, ишлаб чиқариш самаралироқ ва фойдалироқ эканлигини ўйлаб, шу ишни бошлашга жазм этди. Дўстларининг кўмағида ва банкдан кредит олган ҳолда, Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида «Great Finance» масъулияти чекланган жамиятини таъсис этиб, унинг қошида шифер ишлаб чиқарадиган корхона очди.

– Бу гоёя 2016 йилда бошланган эди, – дейди Жамшид Узоқов биз билан суҳбатда. – Энг яқин маслакдошим, шифер ишлаб чиқариш бўйича мутахассис Баҳром Тожиёв билан фикрлашиб, шу ишга қўл урдик. Бошида жуда қийин бўлди. Корхона учун ҳали ускуналар олиб келинмаган хароба аҳволда бўлган жойда ўтирар эдик. Секин-секин бино қад ростлади, ускуналар олиб келиб ўрнатилди.

Ниҳоят 2018 йилдан корхонамиз тўла қувватда ишлаб бошлади. Ҳозирда 200 дан ортиқ кишини иш билан таъминлаганмиз. Энг асосийси, улар орасида ички ишлар органларидан пенсияга чиққан ходимлар ҳам мен билан бир сафда ишлашмоқда.

«Етти ўлчаб бир кес» деганларидек, шифернинг иссиқ-совуққа ва бошқа ташқи таъсирларга чидамлилигини

Тадбиркорлиги ортидан обрў-эътиборга эга бўлгани инobatга олиниб, у Халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгашига депутат этиб сайлангач, сиёсий майдонда ҳам ўзини синаб кўрмоқда. Ички ишлар органларида қилган хизмати инobatга олинган ҳолда унга кенгашда **қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссия раислиги** ишониб топширилди. Унинг ташаббусига кўра ва сайъ-ҳаракатлари билан бир нечта кам таъминланган оиллага имтиёзли кредит асосида 150 тадан товук олиб берилди. Бундан ташқари,



Жамшид Узоқов 1981 йилда Фарғона шаҳрида туғилган. Ички ишлар органларида 1999–2014 йилларда фаолият юритган. Ҳозирда Тошкент вилояти Халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгаши депутати.



давлатлари миқёсида ягона бўлиб, энг нозик дидли харидорнинг ҳам талабига жавоб бера оладиган маҳсулот бўлади.

Ж.Узоқовнинг амалга ошираётган хайрли ишлари ҳақидаги ҳикоямизни давом эттирадиган бўлсак, у пандемия шароитида 70 та оилани ўз қарамоғига олди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳузурида ташкил этилган «Саховат ва кўмак» жамғармасига ҳам маблағ ажратиб, ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам қўлини чўзди.

Қаҳрамонимиз ўз олди-қўйган мақсадларини амалга ошириш учун қандай қийинчилик бўлса-да енгиб ўтмоқда. Шунинг учун бўлса керак, кўзлаган марраларини бирин-кетин забт этиб бормоқда. Бунга биз Жамшид Узоқовнинг Оҳангарон шаҳрида жойлашган каттагина корхонасидаги ишлаб чиқаришни, депутатлик фаолияти, одамларга ғамхўрлиги, қўйингки, қилаётган барча савобли ишларини қўриб гувоҳ бўлдик. Унинг бу изланишлари ва сайъ-ҳаракатлари, келгусида ўз исмига монанд ҳолда, улкан натижалар билан бўй кўрса-таверади, албатта.

Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.

инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқармоқдамиз. Буортма кўп-лигидан қўлимиз-қўлимизга тегмайди. Яқинда Бухоро вилоятидаги табиий офатдан жабр кўрган хонадонларга ҳам ўз маҳсулотларимиздан етказиб бердик.

25 нафар тикувчи аёлни иш билан таъминлаш мақсадида кийим-кечак ва кўлқоп тикиб етказиб бериш бўйича касаначиликни йўлга қўйди. Тиниб-тинчимас Жамшид Узоқов улгуржи қурилиш моллари савдосига мулжал-

ланган мажмуа қурилишини-ям бошлаб юборди.

Яна бир энг муҳим янгилик. Ҳозирда Италия давлатидан замонавий ускуна олиб келиб ўрнатилмоқда. Ушбу ускуна ёрдамида рангли шифер ишлаб чиқарилади. Бу МДХ



МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ

ВАТАН – ЮРАКДАГИ ЖАВОҲИР



Юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи кезиб юрган шу кунларда ҳар бир инсон кўнглидан ажиб ҳис-туйғулар кечади. Ватан – юракдаги жавоҳир! Ватанга бўлган муҳаббат она сuti, она бағри, она аллеси билан юракларга жo бўлади. Ватан тушунчаси шундай беғуборки, у яхши ва ёмон кунларни, ташвиш ва қувончларни, буюк ва содда одамларни – барча-барчасини елкасида кўтариб, доим навқирон ва кўҳна тарихни яратаверади.

Она Ватанимиз минг йиллик тарихида не-не офатларни кўрмади. Ана шундай кунларда ҳам халқимиз бирдам бўлиб, хавф-хатарга қарши бирга курашган. Шубҳасиз, бутун дунёга хавф солаётган коронавирус пандемиясини, бу синовли кунларни ҳам халқимиз мардонавор енгиб ўтади. Ҳозир қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, тушуниб, янада фидойиликни намоён этадиган давр.

Нафисламрини айтганда, она Ватаннинг фидойи фарзандлари хизмат қиладиган ички ишлар органлари соҳасини танлаганим – менинг бахтим. ИИВ Академияси йигитлар таълим олишни орзу қиладиган даргоҳ. Бу илим масканида ўрганганларим ҳаётим давомида асқатапти. Тартиб-интизомга қатъий риоя этиш, иродали, сабрли ва қатъиятли бўлиш, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш каби фазилатларни тингловчилик даврим билан боғлайман.

Қасб сирларини ўзлаштириб боришда устоз-шогирд анъаналари ниҳоятда муҳим, албатта. Айнан бир инсонни устозим,

деб айта олмайман. Полковник Д. Мирсодиқов, подполковник С. Орипов, майорлар А. Зокиржонов, Ш. Расулов доимо ўзларининг маслаҳат ва тавсияларини бериб келишади. Энг қимматли ўғитлари сифатида бировнинг бошига мусибат тушганда, ўша вазиятда ўз манфаатингни ўйлама, одамгарчилик, инсонийлик доимий шиоринг бўлсин, дейишади. Ҳар бир ишда адолат маёғим бўлиши лозимлигини кўп уқтиришади.

Биз барча турдаги, айниқса, вояга етмаганлар жиноятчилигини жиловлашимиз, олдин олишимиз зарур. Фикримча, уларнинг содир этилишига аксарият ёшларнинг давлатимиз томонидан яратиб берилётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланмай, бўш вақтларини қўшимча таълим олишга, фойдали меҳнатга эмас, аксинча, бекорчи ишларга сарфлаётгани, аксарият ота-оналарнинг фарзандлар тарбияси учун кам вақт ажратиб, уларнинг тақдирига бефарқ бўлаётгани, қолаверса, таълим муассасалари билан ота-оналар ўртасидаги ҳамкорлик етарли даражада йўлга

қўйилмагани каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳар бир жиноят фавқуллодда ҳолат, шунинг учун биз барча ёшларга гамхўрлик қилишимиз, уларнинг қалбида «Мен жиноятчиликка қаршиман, ўртоқларимнинг жиноят кўчасига кириб кетишига йўл қўймайман», деган туйғуни шакллантиришимиз лозим. Алоҳида таъкидлашни истардимки, ёш авлод тарбияси учун нафақат ички ишлар органлари, балки барча, ҳатто оддий уй бекаси ҳам масъул эканини унутмаслигимиз зарур.

Турмуш ўртоғим Шаҳнозахон тиббиёт соҳасида ўқиган, ширингина қизимиз бор – Самия. Базан ишдан чарчаб қайтганимда, қизимнинг беғубор чехрасини кўришим билан бор чарчоқларимни унутаман, унга кўшилиб болага айланаман-қоламан. Ҳақиқий оила бахти асли мана шу бўлса керак.

Ислол РОЗМЕТОВ,
ИИВ хузуридаги Тергов департаменти тергов фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими катта терговчиси, капитан.

Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ЖОНИМ ИЧРА
ЖОНИМДУРСАН

*Бу дунёда жаннатмонанд ерлар бисёр,
Бу дунёда оқу қаро эллар бисёр,
Аммо йўқдир бу дунёда сендек дийёр,
Жоним ичра жонимдурсан,
Ўзбекистон.*

*Тупроғингда ажодларим изи қолган,
Боболарим терларининг тузи қолган,
Ҳар гардида момоларим кўзи қолган
Жоним ичра жонимдурсан,
Ўзбекистон.*

*Ўзбек элим, нури дийдам, қароғимсан,
Ўзбек элим, осмоним тупроғимсан,
Ҳам қувончим, ҳам бахтим
фироғимсан,
Жоним ичра жонимдурсан,
Ўзбекистон.*

*Бешигингда аллақаданг дунёларни,
Дунё очган печанечан даҳоларни,
Болам дединг юракларини адоларни,
Жоним ичра жонимдурсан,
Ўзбекистон.*

*Соҳибқирон қўлларидан
қалқон бўлдинг,
Улубекнинг нигоҳидан
осмон бўлдинг,
Мирзо Бобур юрагидан
армон бўлдинг,
Жоним ичра жонимдурсан,
Ўзбекистон.*

*Қўли қадоқ дедҳон элим,
сўлтон элим,
Кўкси юртга доим балоғардон элим,
Ўз юртига соҳибқирон ҳоқон элим,
Жоним ичра жонимдурсан,
Ўзбекистон.*

АНЖУМАН

ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Энг азиз байрамимиз арафасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Янги Ўзбекистон – вакиллик органлари ривожининг янги босқичи» мавзусида парламент конференцияси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов ўз сўзида 2017 йилдан эътиборан Ўзбекистон раҳбарининг мамлакат парламентига мурожаат билан чиқиш институти жорий этилгани, ушбу теран сиёсий ва ҳуқуқий мазмун-моҳиятга эга бўлган муҳим тартиб-таомил парламентнинг мамлакат ҳаётидаги роли ва ўрнини чинакамига ошириш, Президентнинг сиёсий йўлини кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш борасида ижтимоий муштаракликни таъминлаш учун янги имкониятларни вужудга келтирганини қайд этиб ўтди. Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида ҳокимият вакиллик органлари институциявий, ташкилий жиҳатдан тизимли равишда ривожланиб, халқ вакилларининг фаолияти эса доимий такомиллашиб боради.

Икки палатали парламент, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашилари ўзининг кундалик самарали фаолияти билан мамлакат тараққиётига, кўзланган мақсадларга

эришилишига муҳим ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон парламентида барча сиёсий партиялар хоҳиш-иродасининг, қарашларининг тўлиқ уйғунлигига эришилди. Шунингдек, давлат бошқарувини ташкил этиш тизимида «халқ ҳокимиятчилиги» тамойилларига асосланган вакиллик органларининг роли нақадар муҳим эканлигини англаб етишга нисбатан давлатимиз раҳбарининг том маънодаги демократик ёндашуви хусусида асосли ва ишончли хулоса шаклланди.

Конференцияда охириги тўрт йил давомида маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ҳам жиддий ўзгаришлар кузатилаётгани, одамларни ўйлан-тираётган муаммоларни ҳал қилиш борасидаги фаоллиги ошганига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Ҳокимлар ва бошқарув органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилмоқда. Яқинда Қонунчилик палатасида қабул қилинган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларини ахборотга оид ва маълумотнома материаллари билан таъминлаш, шунингдек,



депутатларнинг фаолиятига доир масалалар юзасидан мутахассислар маслаҳатларини олиш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган қонун маҳаллий Кенгашлар мустақиллигини таъминлашда яна бир муҳим қадам бўлгани таъкидланди.

Тадбирда айна пайтда ҳудудларда бўлиб турган сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва Ёшлар парламенти аъзолари онлайн тарзда марказий студияга уланиб, конференция иштирокчилари олдида ўз

фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Анжуман якунида истиқболда парламентни янада ривожлантиришнинг муҳим масалаларини аниқлаш, ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг роли ва аҳамияти, ҳақиқий халқ ҳокимиятчилиги механизмларини, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича депутатлик корпусининг фаолиятини кучайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

РОВЕСНИКИ НЕЗАВИСИМОСТИ

«Я СЫН СЧАСТЛИВОЙ СТРАНЫ!»

В этом году Узбекистан празднует 29-летие независимости. В стране царят спокойствие, мир и согласие, динамично развивается социально-экономическая сфера. Такие результаты достигнуты благодаря вкладу в проводимые преобразования каждого жителя страны, особенно молодежи.

Независимость дала узбекистанцам возможность выбора и самореализации. Наш собеседник – ровесник независимости майор Хуршидбек Базармирзаев, командир группы войсковой части № 7553 Караульных войск МВД Республики Узбекистан.

Хуршидбек родился в Кургантепинском районе Андижанской области, в многодетной семье. После окончания школы он поступил в Ташкентское высшее военно-техническое училище МВД (ныне Военно-технический институт Национальной гвардии Республики Узбекистан). Два старших брата, Абдуманноб и Мухаммаджон, избрали профессию защитника Родины.

После окончания образовательного учреждения лейтенант Х. Базармирзаев был назначен оперуполномоченным в пенитенциарное учреждение УЯ 64-1 (ныне Следственный изолятор № 3) УВД Андижанской области. Спустя несколько лет капитан Х. Базармирзаев стал старшим оперуполномоченным

отдела борьбы с терроризмом и экстремизмом УКД ОВД по г. Андижану. С 2019 года майор Базармирзаев служит командиром группы войсковой части Караульных войск.

Молодой майор женат. Вместе с супругой, Адолатхон, они воспитывают двоих детей. Дочери, Мохизархон, исполнилось пять лет, а сыну, Хушнудбеку, – два года.

– 1 сентября 1991 года. Эта дата вписана в историю нашей Родины золотыми

буквами. Сбылась вековая мечта предков: народ Узбекистана обрел суверенитет. Горжусь тем, что являюсь ровесником независимости, которая имеет безмерное значение в процветании и развитии нашей страны, – говорит майор Х. Базармирзаев. – Наш народ уверенно движется вперед по пути прогресса, наше государство стало полноправным членом мирового сообщества.


Молодежь страны сегодня доказывает всему миру, что она никому и ни в чем не уступает.

Ровесники независимости ставят перед собой высокие цели, они ответственны за судьбу Родины и считают священным долгом служить на ее благо. Если бы с первых дней независимости не уделялось большого внимания государственной молодежной политике, возможно, у нас не было бы и половины имеющихся достижений.

Моя сокровенная мечта исполнилась – я стал офицером и продолжил дело старших братьев. Мои родители, Бекмирза ака и Мамлакат опа, гордятся мной. Теперь должен вносить достойный вклад в проводимые реформы. Наше поколение свято бережет рубежи Родины, стоит на защите завоеваний независимости, обеспечивает стабильный общественный порядок в стране.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент
«На посту».

Фото автора.
Андижанская область.



САМООТВЕРЖЕННЫЙ СОТРУДНИК, НАДЕЖНЫЙ СОСЛУЖИВЕЦ

Капитан Фазлиддин Ортиков, несмотря на молодость, занимает ответственную должность – является начальником следственного подразделения при Нарынском РОВД Наманганской области. Герой нашего повествования – ровесник независимости.

Лучшим периодом жизни Фазлиддин считает годы учебы в Академии МВД, которую успешно окончил в 2015-м. Он получил образование по линии следственной деятельности. Академия МВД дала ему путевку в новую, самостоятельную жизнь.

Служебную деятельность новоиспеченный специалист начал здесь же, в Нарынском РОВД, в должности следователя-стажера следственного отделения. До апреля этого года он занимал различные должности в данном подразделении. Затем руководство сочло целесообразным доверить Фазлиддину Ортикову более ответственные задачи, назначив начальником следственного отделения.

По долгу службы Фазлиддин расследовал различные дела, были трудности, неудачи и взлеты. Он провел более 360 следственных действий по уголовным делам.

Ф. Ортиков всегда качественно расследует совершенные преступления, благодаря чему прокуратура и судебные органы ни разу не возвращали дела для дополнительного расследования. Это хороший показатель работы, свидетельствующий о том, что Фазлиддин сформировался квалифицированным специалистом, ответственным и скрупулезным, который эффективно проводит расследование.

Руководство РОВД Фазлиддину отзывается о Фазлиддине Ортикове. Дисциплинированность и исполнительность – качества, которые помогли ему обрести уважение в коллективе. Он проявил себя как высокий профессионал, честный и самоотверженный сотрудник, верный сослуживец.

Азиза ЖАНИЕВА,
корреспондент «На посту».
Наманганская область.

СЛОВА БЛАГОДАРНОСТИ

В Объединенную редакцию МВД Республики Узбекистан часто поступают сообщения от граждан, в которых они выражают благодарность сотрудникам органов внутренних дел за оказанную помощь.

Так и жительница махаллы Темирйулчилар г. Ташкента Мухаббат Хайдарова добрыми словами отозвалась о сотрудниках отдела миграции и оформления гражданства УКД ОВД Мирабадского района столицы, поддержавших ее в трудную минуту.

– Хочу сказать спасибо всем сотрудникам, и в частности начальнику отдела миграции и оформления гражданства майору Бобуру Бекназарову, которые месяц назад протянули

«Каждый поступил бы так же»

руку помощи, – говорит Мухаббат Хайдарова. – Вынужденная изоляция серьезно ударила по семейному бюджету. Я одна воспитываю четверых детей. Старшая дочь, 27-летняя Ирода, с детства инвалид II группы. Будучи на пенсии, до карантина я подрабатывала. Но в связи с введенными ограничениями основным доходом нашей семьи стала моя пенсия. На продукты питания почти ничего не оставалось, так как большая часть денег уходит на лечение дочери. Нашей семье оказали материальную помощь, передали продовольственные наборы и предметы первой необходимости. Наши сотрудники – истинные защитники народа, отзывчивые, вежливые, го-

товые прийти на помощь в трудную минуту. Пользуясь случаем, хочу поздравить всех стражей порядка с Днем независимости Родины.

Мы побеседовали с майором Бобуrom Бекназаровым, который вместе с сослуживцами сегодня трудится в штатном режиме.

– Когда были усилены правила карантина, меня прикрепили за махаллой Темирйулчилар, расположенной на территории 3-го сектора по социально-экономическому развитию Мирабадского района города, – говорит майор Б. Бекназаров. – Мы ежедневно проводили подворный обход, изучали социальное положение семей, общались с жителями, узнавали об их проблемах. Каждое

обращение изучали индивидуально, оказывали помощь пожилым людям, многодетным и малообеспеченным семьям, а также семьям тяжелобольных людей. Когда мы с коллегами из службы профилактики провели семью Мухаббат Хайдаровой, которая оказалась в сложной жизненной ситуации, решили поддержать и помочь. Каждый неравнодушный человек поступил бы так же.

Сотрудники органов внутренних дел высоко ценят мнение об их работе и, в свою очередь, выражают искреннюю признательность гражданам за слова благодарности и высокую оценку их деятельности.

Соб. корр.

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

**Инсоннинг умри қанча яшагани билан эмас,
балки қандай ишларни амалга оширгани, қандай
фарзандлару шогирдлар тарбиялагани билан
ўлчанади, деган фикр нақадар ҳақиқатлигини
истеъфодаги подполковник Луиза Матхаликова
ҳаёти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.**

ИБРАТЛИ УМР

Луиза Матхаликова 1950 йил Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган, 1975 йилда Тошкент давлат университетининг юридик факультетини битириб, хизмат фаолиятини Самарқанд вилояти ИИБ тергов соҳасида бошлаган. Кейинчалик Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ИИБ ТБда терговчи, катта терговчи бўлиб ишлаган. Сўнгра Сирдарё вилояти ИИБ ТБ бошқирининг биринчи ўринбосари, Сирдарё вилояти котибият бошқирининг лавозимларида фаолият юритган. Қайси тизимда ишлагани, бошқа ходимлардан талабчанлиги, бой тажриба ва ўткир заковати, шижоати билан ажралиб турган Луиза опанинг ҳурмати доимо сарбаланд бўлган. 1992 йили шахсий илтимосига кўра, пенсияга чиққан.

Л. Матхаликова эркак ходимлар билан бир сафда эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида фидокорона меҳнат қилиш билан бирга, аёл учун энг юксак ҳисобланган оила бахтига ҳам эришган. Икки ўғил, бир қизни камолга етказди. Фарзандлари ҳам унинг изидан бориб, Ватан равнақи йўлида фидокорона хизмат қилиб келмоқда.

Луиза опанинг маслаҳат ва ўғитлари нафақат тизимдаги ёш ходимлар, балки бошқалар учун ҳам мислсиз хазина. У билан суҳбатлашган кишининг кўнгли қандайдир



хотиржамлик, илиқлик туяди. Ҳамкасблару шогирдлари Луиза опанинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш, панд-насиҳатларини олишга ошиқшадди. Бугун аксарият шогирдлари ички ишлар органлари тизимида намунали фаолият юритиб келаётир.

– Етмиш ёш – кексаликни узил-кесил тан оладиган манзил, – дейди Луиза опа. – Лекин бу қариллик олдида мағлуб бўлиш, дегани эмас. Кексалик шарбатидан тотиб кўрган аҳли дониш борки, барчаси бу ҳақда ўз фикрини билдирган. «Қариш кўнглисиз нарсаси, аммо узоқ яшашнинг бирдан-бир йўли шу», «Қаришни ҳеч ким хоҳламайди, аммо узоқ яшашни ҳамма истайди».

Луиза опанинг орзулар қанотидаги кексалик гаштига яна бир ҳавасимиз келди. Ҳали ҳам ўзининг бой ҳаётини тажрибаси, ибрати ва ўғитлари билан она Ватанимиз равнақида катта ҳисса қўшаётганини, айниқса, қадрлашимиз даркор.

– Бугунги авлод фақат шукр билан кифояланиб қолмай, буюк нъмат – мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаши, уни янада мустаҳкамлаши, юртимиз бундан ҳам ривож топиши учун бел боғлаб меҳнат қилиши керак, – дея даъват этади қаҳрамонимиз. – Зеро, ватанпарварлик қарзга олиб турилмайди. Бу хислатлар инсоннинг ўзиде, ўзи билан бирга – томирларида оқиб туради, юрагида яшайди, идрокида сайқалланади.

Подполковник Луиза Матхаликованинг юрагида ҳали ҳам шижоати, ғайрати жўш уради. Юксак орзулар қанотидаги кексалик гашти аслида мана шу бўлса керак. Қўлғу ёши қаршилаган Л. Матхаликованинг доимо ҳамкасбларини шогирдлари эъзозиде, оиласи, фарзандлари ва набиралари ардоғида бўлишини тилаб қоламиз.

Адолат ФАЙЗИЕВА,
«Postda» муҳбири.

Шогирдининг дил сўзлари

Қамбарали Эшонқулов,
истеъфодаги
подполковник:



Луиза опани 1981 йил Сирдарё вилояти ИИБда хизматни бошлаган давримдан бери билан. Ўз ишининг билимдонлиги, профессионал терговчи, принципиал, қаттиққўл устоз билан ишлаганидан ниҳоятда фахрланаман. Унинг бой билим ва тажрибалари биз учун бир мактаб бўларди. Ўша даврда нафақат вилоят, балки республика миқёсида тергов даргалари ҳисобланган устозларимиз, полковниклар В. Арзуманов, А. Ўрмонбеков, Н. Бутунбоев, Р. Вишняков ва Б. Болтабоев билан бирга дастлабки тергов жараёни мустақиллигини адолат тамойили асосида таъминлаш лозимлигини уқтирарди. Терговчининг мустақил фикри юрита олиши ҳамда уни амалга ошириши тергов жараёнининг сифатини таъминлашини айнан шу устозларимиз ўргатган.

Л. Матхаликова фаолияти давомида ҳақиқий ҳуқуқ билимдони, аниқ фактлар билан мулоҳаза юритувчи қатъиятли ходим эканини яққол намойён эта олган. Бизга ҳам муайян жиноят иши ёки жиноятчиликнинг олдини олиш бўладими, бундан қатъи назар, қонун устуворлиги, адолат, холислик нуқтаи назаридан баҳо беришни ўргатган. Фаолиятимиз давомида салбий оқибатларга олиб келувчи шарт-шароитларга алоҳида эътибор қаратиб, профилактик суҳбатлар ўтказиб турарди.

Айниқса, ёш терговчилар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратарди. Сира ёдимдан чиқмайди, 1987 йилда Андижон шаҳрида Республика терговчилар танлови бўлиб ўтадиган бўлди. Луиза Матхаликованинг ўзи Сирдарё вилоятидаги ёш терговчиларни йиғиб, уларнинг билим ва тажрибаларини қайта-қайта синовдан ўтказганди. Кучли жамоа шакллантириб, ёш терговчиларни меҳрибон онадек кузатиб қолганди. Опанинг дуолари ва ўғитлари билан мазкур танловда жамоа юқори ўринни эгаллаганди.

Луиза опанинг оиласига ҳамма ҳавас қиларди. Турмуш ўртоғи Одил Матхаликов нафақат вилоят, балки республика прокуратура идораларида масъулиятли лавозимларда ишлаган, кўпчиликнинг устози, меҳридарё инсон бўлган. Бугунги кунда фарзандлари ҳам адолат побонларидир.

Луиза Матхаликованинг шогирдлари республикамизнинг барча давлат, ҳуқуқ-тартибот, маҳаллий ҳокимият, нодавлат ва жамоат ташкилотларида ўзи ўргатганидек, тўғри, ҳалол бўлиб, Ватанимизга, халқимизга фидокорона хизмат қилиб келмоқда.

Луиза опани 3 сентябрь – таваллуд айёми билан самимий табриқлаб, дунёдаги энг гўзал ниятлар ҳамроҳ бўлишини, доим соғ-саломат бўлиб, бахтли ҳаёт кечиришини тилаймиз.

Эшқобил ШУКУР

Ватан бу

Момолар сирларин тинглаган тупроқ,
Боболар кўрагин кўтарган осмон.
Пирларнинг қафтида кўкарган байроқ,
Оналар кўзида йиғлаган дoston.
Ватан бу!
Ватан бу!
Ватан бу!

Ўғиллар кўксиде чақнаган чақмоқ,
Ойқизлар кўнглини гуллатган туйғу.
Гўдаклар дилидан бошланган ирмоқ,
Шоирлар юрагин порлатган қайғу.
Ватан бу!
Ватан бу!
Ватан бу!

Даҳолар манглайн ярқиратган ой,
Фидолар бағридан силқиган бардош.
Тангри ер юзига йўллаган хумой,
Боботоғ бағрида туғилган куёш.
Ватан бу!
Ватан бу!
Ватан бу!



Бу оламда барча муаммо ўтгучи, бор камчилик битгучи, муҳими – тинчлик бўлса бас, дейди кексаларимиз. Тинчлик эса, биринчи галда, ички тотувликдан, келади-ган хавфга ҳушёр туриб, олдини олишдан бошланади. Юртимизда «Хавфсиз шаҳар» концепциясининг амалга жорий этилишидан ҳам айна шу мақсад кўзланган.

Термиз шаҳри ҳақида қисқача маълумот

* Термиз Ўзбекистоннинг жанубий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Афғонистон Ислом Республикаси билан чегарадош.

* Араб ва юнон манбаларида келтирилишича, шаҳарга милоддан аввалги 1 минг йилликнинг ўрталарида асос солинган. Шарқни Фарб билан боғловчи савдо чорраҳасида барпо этилиши унинг тез суръатлар билан ривожланишига замин яратган. Буюк Ипак Йўлининг муҳим бир тармоғи Термиз орқали ўтган.

* Унинг номи «Тарамастха» сўзидан олинган бўлиб, бақтрийча «нариги соҳилдаги манзил» деган маънони англатади. Шаҳар асрлар давомида Антиохия, Деметриас, Тармид, Термиз, Тами, Тамо каби номлар билан, X асрдан Термиз деб атала бошлаган.

* Маъмурий марказ сифатида 1929 йилда ташкил этилган шаҳар майдони 0,03 минг кв км дан, аҳолиси эса 145, 1 минг кишидан иборат.

* Бу ерда ислом дини арбобларидан Ҳаким ат Термизий, Шаҳобуддин Собир Термизий, Муҳаммад ибн Ҳамид Термизий, Абу Бақр Варроқ Термизий каби олимлар яшаб ўтган. Ҳозирда Ҳаким ат Термизий мақбараси зиёратгоҳига нафақат юртимиз, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ҳам сайёҳлар ташриф буюради.



ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

ХАВФСИЗ ШАҲАРДА ЯШАШГА НИМА ЕТСИН...

Айни пайтда Сурхондарё вилояти маркази – Термиз шаҳрида «Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ходимлари, миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилиги гуруҳи вакиллари иштирокида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида патруль гуруҳларининг икки босқичли хизмати ташкил этилган. 72 та йўналишдаги мазкур хизмат жараёнига ҳар куни 155 нафар ходим жалб этиб келинмоқда. Шундан 96 нафари патруль-пост хизмати ходимлари бўлса, 59 нафари миллий гвардия ҳарбий хизматчиларидир. Улар пиеда, автопатруль ма-

йилининг дастлабки 7 ой мобайнида содир этилиши мумкин бўлган 48 та жиноятнинг олди олинди.

– Хуқуқбузарлик содир этилди, воқеа жойига тезкорлик билан етиб бориш жуда муҳим. Чунки бундай вазиятда кимнингдир ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Тезкорлик, ўз вақтида чора кўриш эса ҳар қандай кўнгилсизликнинг олдини олади, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, подполковник Шухрат Сатторов. – Шу сабаб, хизматга киришиш олдидан патруль-пост хизмати батальони ходимларига хизматолди йўриқномалари ўтказилади. Уларга хизмат фаолиятини амалга ошириш давомида қўйилган вазифалар тушунтирилиб, патруллик

мойил, маъмурий назорат остида бўлган шахслар, уларга белгиланган чекловлар, очилмасдан қолган жиноятлар ҳам эслатиб ўтилади.

Жамоат жойларида юриш-туриш қоидаларига риоя этиш фуқаролик бурчларимиздан бири. Қолаверса, бу ҳар кимнинг ички маданиятига ҳам боғлиқ. Бироқ орамизда унга амал қилмайдиганлар ҳам топилади. Шаҳар бедарвоза эмас, сал қуюшқондан чикдими, дарҳол ўша одамга нисбатан чора кўрилади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида патруль-пост хизмати саф бўлиналари томонидан Термиз шаҳридаги ички ишлар органлари навбатчилик қисми ва таянч пунктларига олиб келинган фуқаролар сони 24837 тани ташкил этди. Шундан 11616 нафар фуқарога нисбатан профилактика инспекторлари ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Карантин қоидаларини бузган 1422 нафар фуқарога нисбатан ҳам маъмурий чоралар кўрилди. Шунингдек, 21 нафар фуқаро реабилитация ҳамда вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоялаш ва ёрдам кўрсатиш марказларига, 7 нафари вилоят тери-таносил касалликлари диспансерига топширилган бўлса, 1543 нафар фуқаро эса наркология диспансерига қарашли реабилитация

пунктига олиб борилиб, врач кўригидан ўтказилди.

Албатта, «Хавфсиз шаҳар» концепциясида кўзда тутилган мезонлардан бири бу замонавий технологиялар имкониятидан фойдаланишдир. Термиз шаҳридаги асосий кўчалар ҳамда чорраҳаларга 3407 та кузатув камераси ўрнатилган. Улар ёрдамида вилоят Ички ишлар бошқар-

бошидан бери эса ходимларимиз томонидан 9 та жиноят, яъни 8 та ўғирлик, 1 та транспорт воситасини олиб қочиш жиноятлари бевосита фош этилган бўлса, соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорликдаги сайё-ҳаракатлар натижасида очилган жиноятларнинг сони 60 тани ташкил этди. Жиноятлар асосан ўғирлик, гиёҳвандлик, талончилик ва қўшмачилик қилиш ёки фойхашона сақлаш, фирибгарлик билан боғлиқ. Тергов ва суд идораларидан яшириниб юрган 5 нафар қидирувдаги шахс ҳам аниқланиб, ушланди.



Бугун мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. «Хавфсиз шаҳар» концепциясининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳам шунинг бир намунаси. Зеро, унинг замирида ҳам аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш мақсади мужассам. Ахир, ҳар куни ишга ёки ўқишга соғ-омон бориб-келишга, кўчаларда эркин сайр қилишга нима етсин. Ваҳоланки, қайсидир давлатда кўчага чиқишга қўрқадиган одамлар борлигини кўриб-кузатиб турганимиз рост. Шундай экан, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишимиз, бунга барчамиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» муҳбири,
Сурхондарё вилояти.



шиналари ҳамда 8 та замонавий скутер ёрдамида фуқароларни турли тажовузлардан ҳимоя қилиш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун кўчалар, истироҳат боғлари, хиёбон ва бошқа жамоат жойларида куну тун хизмат олиб боришаётир. Уларнинг сайё-ҳаракати билан жорий

йўналишида хуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилиши эҳтимоли бор бўлган ёки жиноятчилар, қидирувдаги шахслар пайдо бўлиши ва беркиниши мумкин бўлган жойлар ҳақида маълумот берилади. Шу билан бирга, ички ишлар органлари ҳисобида турган, жиноят содир этишга

масининг кузатув марказида кўчалар 24 соат давомида назорат қилиб борилади. Бирорта кўча ёки чорраҳада хуқуқбузарлик ёки қондабузарлик содир этилиши биланок бу ҳақда навбатчилик қисмларига хабар берилади. Шунингдек, шаҳардаги аҳоли гавжум жойларда ўрнатилган 8 та SOS ташвиш қурилмаси ҳам аҳоли ва сайёҳлар хотиржамлигини таъминлаб, кенг қулайлик яратмоқда.

– Ушбу ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, жамоат жойларида содир этилган жиноятлар ўтган йилгига нисбатан камайди, – дейди ППХ батальони хизматни ташкиллаштириш инспектори, катта сержант Ҳуснидин Бекназаров. – Жорий йил



УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН — НОВАЯ СИСТЕМА ОБРАЗОВАНИЯ

Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев отмечает, что основная задача сферы образования, сама суть труда педагога заключаются, прежде всего, в подготовке наших детей к будущему, в воспитании их здоровыми и гармонично развитыми людьми.

Новый этап реформ в сфере образования начался с принятия Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017–2021 годах. В целях ее реализации в области образования были изданы указы Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования» от 25 января 2018 года, «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года. Реформы в системе образования продолжились в соответствии с данными нормативно-правовыми актами.

углубленного изучения интересующих их предметов. Кардинально обновляются система и содержание обучения в средних специальных профессиональных образовательных учреждениях, где осуществляется подготовка кадров по востребованным специальностям.

Учебные заведения нашей страны поэтапно будут преобразованы в современные образовательные учреждения, оборудованные в соответствии с мировыми стандартами. Только на оснащение общеобразовательных школ в 2020–2022

годах намечено выделить 4,05 триллиона сумов. Средним общеобразовательным учреждениям, отвечающим требованиям современной школы, будут выдаваться соответствующие сертификаты.

Уделяется особое внимание работе с одаренной молодежью. В стране функционирует ряд творческих школ, созданы Президентские школы. Обучение учеников в Президентских школах осуществляется по современной программе «STEAM-образование». Методика обучения способствует развитию гибкости мышления, самостоятельного поиска и анализа информации.

Основной задачей проводимых в высшем образовании реформ является подготовка высококвалифицированных специалистов, отвечающих современным требованиям. Для достижения поставленной цели необходимо решить ряд задач. Прежде всего принимаются меры к тому, чтобы высшее

гвардии и Государственного таможенного комитета.

Детям действующих сотрудников, достигших высоких результатов в служебной и научной деятельности и внесших достойный вклад в борьбу с преступностью и профилактику правонарушений, для поступления в вузы выделяются дополнительные квоты.

Детям блюстителей правопорядка, погибшим или ставшим инвалидами при исполнении служебного долга, предоставляются льготы для поступления на учебу в вузы на основе государственного гранта вне установленных параметров приема, без конкурса (на основе рекомендации); поступления в военные образовательные учреждения на основе результатов предварительного и профессионального конкурса (на основе представления).

Все это положительно сказывается на подготовке высококвалифицированных специалистов для органов внутренних дел – самоотверженных защитников народа.

Подводя итог сказанному, можно утверждать, что цель реформ, проводимых в системе образования в нашем государстве, – воспитание самостоятельно мыслящего, всесторонне развитого и уверенного в себе и своих силах молодого поколения – строителя нашего светлого будущего.

Абдикамил НАРБЕКОВ,
доцент Академии МВД
Республики Узбекистан,
подполковник.



В республике функционирует Министерство дошкольного образования. Одной из главных задач дошкольного образования является подготовка детей к общему среднему образованию. Впервые с 2020 года для шестилетних детей вводится обязательное годовое обучение.

В среднем и среднем специальном звеньях системы изменены формы и сроки обучения. В 10–11 классах вводятся вариативные учебные программы, на основе которых учащиеся получают возможность



НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

СЛУЖБА НЕ ОПАСНА, НО ТРУДНА



Количество женщин-сотрудниц в правоохранительных органах неуклонно растет. Для представительниц прекрасного пола работа в ОВД – возможность закалить характер, служить, проявляя силу воли, решительность, знания.

В 2000 году Ольга Кондрикова начала работать делопроизводителем в пенитенциарном учреждении УЯ 64-Т1, а спустя год была назначена бухгалтером финансово-экономического отдела и аттестована.

Рядовая Ольга Кондрикова работала заместителем главного бухгалтера и без отрыва от службы училась на физико-математическом факультете Андижанского государственного университета. В 2009 году ей присвоили офицерское звание – лейтенант. Наша героиня служила оперуполномоченным режимного отдела, оперуполномоченным оперативного отдела следственного изолятора. Весной нынешнего года майор Кондрикова назначена старшим инспектором военно-мобилизационного отдела УВД Андижанской области.

В настоящее время она работает в тесном контакте с представителями областного управления Министерства по чрезвычайным ситуациям. Совместно

отрабатываются меры по защите гражданского населения во время стихийных бедствий, техногенных катастроф, при ухудшении эпидемиологической ситуации. Проводятся масштабные учения, в ходе которых реализуются планы по эвакуации населения, размещению людей, обеспечению их необходимой медицинской помощью.

– Работа сложная, ответственная, но она мне нравится, – говорит майор Ольга Кондрикова. – Помогать людям в трудную минуту – это по мне.



В быту Ольга – любящая мама, заботливая жена, хорошая хозяйка. С супругом, Владимиром, они вместе живут более 20 лет, понимают друг друга с полуслова. Владимир работает автослесарем. Старший сын, Александр, студент 4-го курса Андижанского государственного университета. Дочь, Маргарита, – ученица 10-го класса, в будущем мечтает быть хирургом.

В свободное от службы время Ольга активно занимается спортом, в основном легкой атлетикой, много читает, особенно исторические романы, любит ухаживать за домашними растениями.

Женщины в погонах дома – хранительницы семейного очага. И в служебную деятельность они вносят свое тепло, вкладывают душу.

Кроме непосредственных обязанностей, связанных со службой, майор О. Кондрикова принимает участие в профилактических мероприятиях, вместе с другими сотрудницами обеспечивает общественный порядок во время проведения культурно-массовых и спортивных мероприятий.

– Старший инспектор майор Ольга Александровна Кондрикова – исполнительный и дисциплинированный сотрудник, – говорит начальник военно-мобилизационного отдела УВД Андижанской области подполковник Хабибулло Содиков. – Она принимает активное участие в командно-штабных и тактико-специальных комплексных учениях и тренировках. Проявляет инициативу и энтузиазм. Ольга Александровна обладает высоким чувством ответственности за порученный участок работы, честная, уверенно идет к поставленной цели.

В канун 29-й годовщины обретения независимости Республики Узбекистан Указом Президента страны за самоотверженный труд, образцовое выполнение служебного долга старший инспектор военно-мобилизационного отдела УВД Андижанской области майор Ольга Кондрикова награждена орденом «Дўстлик».

– Моя мама лучшая в мире, – говорит дочь, Маргарита. – Она очень справедливая, всегда меня понимает. Я так рада, что ее наградили. Теперь все знают, что она не только лучшая мама, но и замечательный специалист.

– Оля с детства отличалась целеустремленностью, – делится старшая сестра О. Кондриковой, Вера Александровна, – всегда добивалась поставленных целей. Эта награда – подтверждение тому. Большое спасибо ее руководству и коллегам, которые всегда поддерживают сестренку.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент «На посту»,
Андижанская область.

«ПРОФЕССИЯ ТРЕБУЕТ МАКСИМАЛЬНОЙ САМООТДАЧИ»



За плечами подполковника Лазиза Бегманова 19 лет службы в органах внутренних дел, причем только в подразделении профилактики правонарушений. В настоящее время, проявляя профессионализм и высокую ответственность, он работает в должности старшего инспектора профилактики отделения внутренних дел № 5 ОВД города Алмалыка Ташкентской области.

– Решая задачи по профилактике правонарушений, выявлению и устранению причин и условий их совершения, осуществляем деятельность во взаимодействии с активом махалли. Большую помощь в

деле повышения уровня правосознания граждан, реализации мероприятий по раннему предупреждению правонарушений оказывают Узарбике Наметуллаева, Мингбой Адиллов, Собир Акрамов, Нодира



Сайдалиева и др., – говорит Л. Бегманов. – Важнейшей задачей считаем формирование среди жителей махалли атмосферы взаимного уважения, согласия и сплоченности. При этом особое внимание уделяем молодежи. С участием представителей Совета старейшин ведем воспитательную работу, укрепляя в сознании юношей и девушек уважение к месту, где они проживают, – родной махалле.

Налаженная старшим инспектором профилактики работа способствует достижению положительных результатов в профилактике правонарушений на вверенной территории.

В целях повышения эффективности деятельности по

обеспечению правопорядка на улицах и оживленных местах махалли установлены современные камеры видеонаблюдения. Результативно используются возможности компьютерной системы АБД. Организовано старшим инспектором профилактики и ночное патрулирование территории.

Под особым контролем находятся ранее судимые лица, склонные к совершению правонарушений, а также лица, злоупотребляющие спиртными напитками, семейные дебоширы. С ними проводятся индивидуальные профилактические беседы, в ходе которых указывается на недопустимость совершения противоправных действий, необходимость ведения достойного образа жизни.

Коллеги отзываются о Лазизе Бегманове как о неугомонном, преданном своему делу сотруднике. Его уважают за личные качества – способность принимать взвешенные решения, готовность оказать поддержку в сложной ситуации. К наставнику за советом обращаются молодые сотрудники, среди которых старшие лейтенанты

Сайридин Рахматов, Гайрат Пардаев, лейтенант Ислом Худойбердиев, старший сержант Умид Обидов, Шерзод Комилов.

– Ученикам не устаю повторять: прежде всего по работе инспектора профилактики граждане судят об ОВД в целом, а потому наша профессия требует максимальной самоотдачи, – подчеркивает подполковник Лазиз Бегманов. – Медаль «Содик хизматлари учун» возлагает на меня огромную ответственность, обязывает служить еще с большей отдачей, прилагая все свои силы, знания и опыт.

– Когда в наш дом пришла весть о том, что сын удостоен высокой государственной награды, сердце наполнилось чувством гордости за него, – говорит отец нашего героя Гулом ота Бегманов. – Желаю ему быть всегда примером, высоко нести звание стража правопорядка, дальнейшей успешной службы во имя Родины и народа.

Радиқ ТУМΠΑРОВ,
корреспондент
«На посту»,

Ташкентская область.



МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

Таълим соҳаси кўплаб ривожланган давлатлар сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. АҚШ, Германия Федератив Республикаси, Япония, Жанубий Корея, Буюк Британия каби мамлакатлар ўзининг ҳозирги даражасига айнан таълим соҳасида эришган.

Янги Ўзбекистон ҳам таълим соҳасидаги мақсадли ва жадал ислохотларни узлуксиз таълим тизимини яратиш орқали амалга оширишга киришди. Янгиликларни яратиш орқали амалга оширилган, хориждаги тендошлари билан рақобатлаша оладиган, ватанпарвар, юқори малакали янги авлод кадрларини шакллантириш жамият ҳаёти кун тартибига кўйилди. Президентимиз ўзининг илк чиқишларидаёқ таълим соҳасидаги ислохотларни мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Соҳада бошланган ислохотларнинг илк самаралари кўзга ташланмоқда. Масалан, 2019 йилга келиб 5 минг 722 та давлат, хусусий ва оилавий боғчалар ташкил этилиши натижасида болаларни боғчаларга қамраб олиш даражаси фақат бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди ва бу ишлар изчил давом эттирилади. Боғчалар кун тартибидан бошлаб овқатланиши, тарбия усуллари, тиббий-гигиена ҳолатлари, муомала маданияти, ходимлар касбий малакалари сингари масалалар тизими тубдан такомиллаштирилмоқда. Бу мақсадларда Жанубий Кореянинг Пучон университети ҳамда ўзимизнинг 4 та университетимиз махсус факультетларида мактабгача таълим муассасаларининг барча бўғиндаги ходимлари билим олади ва малака оширади.

Айниқса, «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги қонуннинг қўл қўрилган Мактабгача таълим вазирлиги учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Ишончимиз комилки, соҳа вакиллари ўз меҳнат фаолиятларини ана шу қонун асосида ташкил этишиб, фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялашдек кутлуғ ишга ўз ҳиссасини қўшади.

Таълим соҳасидаги иккинчи муҳим йўналиш – умумий ўрта таълим тизими бўлиб, 11 йиллик умумий ўрта таълим тизимининг қайта жорий этилиши кенг жамоатчилик ва ўқувчи-ёшлар томонидан илиқ қутиб олинди. Президентимизнинг «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва «Халқ таълимининг бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда бошқа тегишли ҳужжат-

лар асосида умумий таълим тизимида илғор халқаро тажриба ва жамиятнинг замонавий талабларига мувофиқ сифатли таълим олиш имкониятларини яратиш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бюджет маблағи билан таъминлаш самарадорлигини ошириш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Янги турдаги таълим муассасаларини барпо этиш ва муқаддам қўрилган биноларни босқичма-босқич замон талабларига мослаштириш, ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш орқали умумий ўрта таълимни янгилаш мақсадида «Замонавий мактаблар» лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди. Унга кўра, барча талабларга мос келадиган умумий таълим муассасаларига тегишли даражадаги мувофиқлик сертификати берилди. Шунингдек, мебель, ўқув-лаборатория, спорт анжомлари ва ўқитишнинг техник воситалари, компьютер техникаси, ички локал тармоқ, замонавий иситиш воситалари билан таъминланади.

Яратилаётган узлуксиз таълим такомиллашиб, иқтидорли ёшлар билан ишлашнинг ягона ва самарали тизимини яратиш, ёш авлоднинг истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, халқаро майдонда мамлакатимиз манфаатларини профессионал ва юқсак даражада ифода эта оладиган иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш, ёш истеъодларини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш

ва нашр этиш, шунингдек, умумтаълим муассасалари фаолиятини бошқаришнинг махсус тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Агентликнинг идоравий бўйсунувида Президент мактаблари, вазирликлар ҳузуридаги ижод мактаблари, шунингдек, ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлари ўтказилди.

Маълумки, таълим соҳасида асосий вазифаларни педагоглар амалга оширади. Шу боис Президентимизнинг «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ахборот-коммуникация технологиялари, хорижий тилларни ўзлаштириш, замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга бўлган профессионал педагог кадрлар тайёрлаш, бу касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ва тарбиялашнинг узлуксиз тизимини жорий қилиш, юқсак маданиятли, амалий касбий кўникмага эга, тарбия, ўқитиш методларини пухта эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш педагогик таълим соҳасининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилган.

Таълим соҳасидаги муҳим йўналиш мамлакатимиз олий таълим тизимини тубдан модернизациялаш масалаларига бағишлангандир. Замонавий билимлар ва юқсак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, хориждаги тендошларига рақобатбардош бўла оладиган кадрлар тайёрлаш мақсадида ўқув-тарбия жараёнини тубдан ислох қилиш натижасидан аниқлаш мумкин. Ушбу улғувор мақсадларни қўлаб қўл қўйинган Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз олий таълим тизимини ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди.

Хусусан, мамлакатимиз олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетларини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг яловбардорига айлантириш, республикадаги камида 10 та ОТМни халқаро рейтингнинг биринчи 1000 та ўриндаги ОТМлари рўйхатига киритиш, уларнинг академик мустақиллигини таъминлаш, барча ОТМларда технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап,

акселератор марказларини ташкил этиш каби мақсадларни амалга ошириш билан бир қаторда, Ўзбекистон ОТМ тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантиришдан иборат.

Шунингдек, мамлакатимиз ОТМлари босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилди ва уларнинг молиявий барқарорлиги таъминланади. Мамлакатимиз олий таълим тизимида 2019 йилда 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан 9 та нуфузли хорижий университетлар филиаллари очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. ОТМларнинг бевосита ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли узвий ҳамкорлигига жиддий эътибор қаратилмоқда, бу эса сифатли мутахассислар тайёрлашнинг муҳим омилidir. Барча ОТМда имконияти чекланган шахслар учун халқаро стандартларга мос инфратузилма яратилади.

Таълим соҳаси янгиланаётган Ўзбекистонда математика фани ривож учун қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида математика фани соҳасидаги таълим сифатини ошириш, илмий-тадқиқотларни ривожлантириш ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий этишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Унга биноан, илғор хорижий тажриба асосида мактабгача ёшдаги болаларда илк математик тасавурларни шакллантириш бўйича замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида математика фанларини ўқитиш сифатини ошириш, худудларда математика фанига ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ривожлантириш ҳамда янги мактабларни ташкил этиш, олий таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларидан математика фани бўйича машғулотларни кўпайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, мамлакатимизнинг таълим ва илмий ташкилотларини босқичма-босқич жаҳоннинг математика фани бўйича етакчи илмий марказлари даражасига етказиш вазифаси қўйилган.

Зеро, янги Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланган узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш яқин келажақда ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиздир.

ШУХРАТ ҒОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор,
истеъфодаги полковник.



СОҶА ФИДОЙИЛАРИ

УНИНГ УЧУН ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Жиззах вилояти Мирзачўл тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Аслиддин Жалолов она Ватанимиз мустақилликка эришган кунни қўшалок байрам сифатида қаршилайди. Боиси, у айни шу санада Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Шўрбулоқ қишлоғида туғилган.

Аслиддин Жалоловнинг юрагида бу касбга муҳаббатни ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимида узок йиллар фаолият кўрсатган отаси Муҳиддин Жалолов уйғотган, десак, янгиликлардан бўламанми. Урта умумтаълим мактабини тамомлаган Аслиддин ИИБ Академиясида таълим олиш нияти борлигини маълум қилганида Муҳиддин ака ажабланмади. Чунки ўғлининг кўнглидагиларини сезиб юрганди, иккиланмасдан қўлини дуога очди.

Мактабда астойдил ўқигани, спорт билан мунтазам шуғуллангани асқатиб, академия тингловчилари сафидан жой олди. Соҳадаги фаолиятини 2001 йилда Жиззах шаҳрида профилактика инспекторлигидан бошлаган Аслиддин Жалолов ўзини интизомли ва билимли ходим сифатида намоён этди. Натижада тез орада Жиззах шаҳар ИИБ Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш гуруҳи тезкор вакили лавозимига тайинланди.

Кейинчалик вилоят ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлимига ўтказилди. 2007 йилдан бошлаб ушбу бўлимининг наркотрафик ва гиёҳванд моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бўлимида катта тезкор вакил лавозимида фаолият кўрсата бошлади. Ундан сўнг Бахмал тумани ИИБ жиноят қидирув ва уюшган



жиноятчиликка курашиш бўлимида хизматини давом эттирди.

2009 йилда Янгиобод тумани ИИБ бошлиғи ўринбосарлигига тайинланди. 2011–2012 йилларда ИИБ Академияси олий академик курсида билимларини оширди. Ўқишдан қайтгач, Жиззах вилояти ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоят ИИБ наркотрафик ва гиёҳванд моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади. 2015–2018 йилларда Арнасой тумани Ички ишлар бўлимини бошқарди. 2018 йилдан буён Мирзачўл тумани Ички ишлар бўлимига раҳбарлик қилаётди.

Сезганингиздек, Аслиддин Жалолов бой тажриба соҳиби. Мазкур хижат у

раҳбарлигидаги шахсий таркибнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган фаолияти натижадорлигини таъминламоқда.

Подполковник Аслиддин Жалолов шахсий ибрат йўли билан қўл остидаги ходимларни самарали бошқариб келмоқда, – дейди вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Жўрабек Авазов. – У бошлиқ жамоада билим, интизом, қонунийлик, бурч ва масъулият хизматининг асосига айланган. Шунга мос равишда жамоат хавфсизлиги таъминланиб, кўрсаткичлар ижобий мазмун касб этади.

Албатта, бундай натижа замирида жонқурлик, қуну тун қилинаётган меҳнат мужассам. Қолаверса, сўнги йилларда соҳа моддий-техник базаси

мустаҳкамланаётди. Жумладан, туман ИИБ биноси ҳам катта маблағ сарфланиб, таъмирдан чиқарилди. Шахсий таркиб замонавий техника, алоқа воситалари ҳамда қурол-аслаҳа билан таъминланмоқда.

Бу ўзгаришлар мустақил юртимизда амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг натижасидир, – дейди подполковник Аслиддин Жалолов. – Ўз навбатида, биз – ички ишлар органлари ходимлари бор салоҳиятимиз билан халқимизга хизмат қилишимиз керак. Токи элимизнинг тинчлиги ва осойишталигига ҳеч қандай қуч раҳна сололмасин. Ишонтириб айта оламаники, бу вазифани бекам-қўст уддалаймиз.

Мақоламиз қаҳрамони таъкидлаганидек, мамлакатимизда жиноятчиликнинг чўқур илдириштиги йўл қўйилмапти. Бунга ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш тизимининг кучайтирилиши ҳамда замонавий технологияларни кенг жорий этиш орқали эришилмоқда. Асосийси, соҳа ходимлари ўз вазифаларига фидокорлик билан ёндашмоқда.

Турмуш ўртоғим туғилган кунини уйда нишонланганини эслай олайман, – дейди Аслиддин Жалоловнинг рафиқаси Наргиза Жалолова. – Чунки шу кунни бутун халқимиз юртимиз мустақиллигини нишонлайди. Байрамларда эса ички ишлар органлари ходимлари эл осойишталигини таъминлашга ҳар қачонгидан кўра масъулият билан киришадилар.

Ҳа, Аслиддин Жалолов каби қонун посбонлари тугайли байрамларимизни тукух, кўнглилларимизни хотиржамлик шарқ этмайди, болаларимиз юзидан қувонч аримайди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.

Жиззах вилояти.

ХИЗМАТЛАРДА

МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бугун мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ҳамкорлиги кун сайин ривожланиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Бундай кенг қўламли алоқаларда миграция жараёнлари бирмунча ошиб, юртдошларимизнинг чет элларга чиқиши ҳамда хорижликларнинг юртимизга ташриф буюриши сезиларли даражада ортиб борапти. Табиийки, бу ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Хоразм вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда унинг қўйи тизим ходимлари ҳам бу масъулиятни чуқур англаган ҳолда, хизмат фаолиятини олиб боришмоқда.



Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ҳудудида паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида 504 706 та корхона, ташкилот ва муассаса, аҳоли турар жойи ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар натижасида 3 393 нафар фуқаро паспорт-виза қоидаларига амал қилмагани аниқланиб, улар белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилди. Тадбирлар давомида аҳолининг карантин қоидаларига риоя этиши бўйича ҳам

тушунтиришлар, тавсиялар бериб борилди. Паспорт фуқароликни тасдиқловчи ягона муҳим ҳужжатдир. Ҳар бир фуқаро бунга яхши билиши ва белгиланган қонун талабларига қатъий риоя этиши лозим. Афсуски, баъзи фуқаро

ролар зиммасидаги ушбу мажбуриятни унутиб қўйишяпти. Айниқса, турли мақсадларда чет давлатларга чиқиб кетган юртдошларимиз фуқаролик паспортларини яроқсиз ҳолга келтириб, мушкул аҳволга тушиб қолишмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида чет элларда юрган 349 нафар хоразмлик фуқаро паспортларини йўқотган, яроқсиз ҳолатга келтирилган ҳамда амал қилиш муддати ўтиб кетгани сабабли элчи-хоналар томонидан берилган Ватанга қайтиш гувоҳномаси билан юртимизга қайриб келган. Бундай фуқаролар билан тегишли тартибда профилактик суҳбатлар олиб борилди.

Сўнги йилларда ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматлари қатори миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ва унинг қўйи тизимларида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди, – дейди вилоят ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи, подполковник Баҳодир Раҳимов. – Хусусан, бошқарма, бўлим ва бўлима бинолари жорий таъмирдан чиқарилиб, замонавий компьютер техникалари, алоқа воситалари билан таъминланди. Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида

қўшимча хоналар ташкил этилиб, замон талабларига мос ҳолда жиҳозланди. Буларнинг барчаси хизмат самарадорлигининг ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда инсон манфатлари, унинг кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиш билан боғлиқ жараёнларда ҳам ўз аксини топмоқда. Айни кунларда мамлакатимизда доимий яшаб қолиш истагида бўлган 63 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс ҳамда чет эл фуқароларининг ҳужжатлари белгиланган тартибда қўриб чиқилмоқда.

Ҳаётга таъбиқ этилаётган қонунлар юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқимиз турмуш шартини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Соҳавий хизмат ходимлари ҳам ушбу жараёнларда фаол қатнашиб, мамлакатимизнинг ҳар хижатдан ривожланишига муносиб ҳисса қўишга астойдил ҳаракат қилишяпти.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.

Хоразм вилояти.

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

ОЗОДЛИК ВА ИФТИХОР
РАМЗИ

Мустақиллик майдони нафақат Тошкент шаҳри, балки бутун Ўзбекистонимизнинг бош майдонидир. Эзгулик аркаси аталмиш рамзий дарвоза. Унинг тепасида парвозга шайла-ниб турган турналар, халқимизнинг кўнглидек, орзу-мақсадларидек оппоқ лайлақлар дилда ажиб ҳислар уйғотиб, қалбда ифтихор туйғуларини мавжлантиради.

Ер шарининг рамзида Ўзбекистон харитасининг алоҳида бўртиб чиққан кўринишига кўзи тушибок, ҳар бир ватандошимиз онгу шуурида шу заминга бўлган беқибс меҳр-муҳаббат, дилда чексиз фахр-ифтихор, гурур жўш уради.

Камалак рангларидек товланган жозибадор фавворалар, нақшинкор тошлар зеб бўлган йўлақлар, тўрт фаслда ҳам бирдек яшилликка бурканган дарактларнинг япрогию майсаларнинг бўйлариди, уларни енгил силаб ўтган шабадада ҳам хурлик нафаси келиб туради, гўё.

Мустақиллик майдонида фарзандини бағрига босиб, унга термилиб турган Бахтиёр она ҳайкали



«Мустақиллик ва эзгулик монументи» деб аталади. Она сайёра ва Бахтиёр Она. Ҳар иккиси ҳам тириклик ва абадият тимсолидир. Оналарнинг энг улуғ нияти, мақсади нима? Она заминимиз тинчлиги, фарзандларининг соғ-саломат улғайиши. Қани айтинг-чи, Она учун бу ёруғ оламда бундан ортиқ бахт борми? Юз-кўзларида бахтиёрлик, эзгу тилак ва ниятлар балкиб турган бу Она тимсоли ўзбек халқининг шаъну шавкати, гурур-ифтихори, миллий давлатчилиги тим-солларидан бирига айланган.

Дилларга сурур, кўнгилларга ором бергувчи муаззам масканга туташ ҳудудда жойлашган Вазирлар Маҳкамаси биноси, Сенат, Тасвирий санъат галереяси, Бизнес маркази, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси каби муҳташам меъморий иншоотлар, уларни ўраб турган яшил майдон ва хибонлар майдонининг нафақат қиёфасини, балки унинг мазмун-моҳиятини ҳам янада бойитида десак, асло муболаға эмас.

Йиллар ўтаверади. Сўлим боғ тароватига бу муаззам гўшадаги ҳар бир монумент, қад ростлаган ҳар бир иншоот ўзига хос рамзий маънога эғалиги билан мазмун бағишлайди. Халқимиз озодлигининг, аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимизнинг муқаддас рамзи сифатида қалбда истиқлол ғояларини, миллий гурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини нақшлайверади.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
«Postda» мухбири.

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ – МАҲАЛЛАНING ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНИДАГИ ВАКИЛИ

«ОДАМЛАРГА ЁРДАМ БЕРИБ, РОҲАТЛАНАМАН»

дейди катта лейтенант Жавлонбек Аҳмадалиев

Чўлпон номидаги маҳалла Қувасой шаҳрининг қоқ марказида жойлашган. Гавжум ва фазйли бу маҳаллада сўнгги йилларда бемисл бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги бино-иншоотлар қад ростла-япти, тадбиркорлик субъектлари сони кўпайиб борапти.

Маҳалла гавжум бўлиши билан бирга, доимо осойишта ва тартибли. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Мазкур маҳаллага хизмат кўрсатувчи ички ишлар органи таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Жавлонбек Аҳмадалиев фаоллар билан мустаҳкам ҳамкорликни, фуқаролар билан яқин ва дўстона мулоқотни йўлга қўйган.

Профилактика инспекторидан миннатдоримиз, – дейди маҳалла оқ-соқоли Маҳмуджон Эралиев. – Ҳар бир юмушни бамаслаҳат бажаради, эртаю кеч ёнимизда, маҳалланинг қувончу ташвиши билан бирга. Қонунчиликни яхши билади, ўз ишини пухта, вақтида ва виждонан бажаради. Шу боис кўшни маҳаллаларда ишловчи профилактика инспекторлари ҳам ундан доим маслаҳат сўраб туришади.

Жавлонбек Аҳмадалиев соҳада фаолият бошлаганига эндигина 4 йил бўлмоқда. У 2012 йили Фарғона давлат университетининг қаҳирқача ҳарбий таълим факультетини тамомлагач, ўзи билим олган Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактаб-ида жисмоний тарбия фанидан ёшларга сабоқ берди. Ўқитувчи бўлиб ишлаб юрган кезларида ички ишлар органига ишга киришни чин дилдан хоҳлаб, синовларга пухта тайёгарлик кўрди ва 2017 йилда хизматга қабул қилинди.

Қаҳрамонимиз фаолиятини Фарғона туманидаги Чимён қишлоғида бошлаган. Маълумки, бу қишлоқда бир неча сихатгоҳлар, дам олиш масканлари, оромгоҳлар жойлашган. Сўлим табиати билан машҳур бўлган, қолаверса, Қирғизистон билан чегарадош қишлоққа келиб-кетув-

– Маҳалла ҳудудида 3000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, – дейди у биз билан суҳбатда. – Ҳудудда ҳовлилар билан бирга, 16 та кўп қаватли уй ҳам мавжуд. Шу сабабли аҳоли кўп тўпланганидан жойларга, кўчалар бошига видеокузатув камералари қўйилган. Маҳалла фаоллари билан

ган, томорқасини даромад манбаига айлантираётган меҳнаткаш фуқаролар жуда кўп.

– Бу хонадонда узум етиштиришнинг ҳадисини олган миришкор боғбон Маҳмуджон ҳожи Турсунов истиқомат қилади, – дейди профилактика инспектори бизни бир хонадонга етаклаб.

Хонадон дарвозаси олдида бошлаб то ҳовли ичкарасигача қилинган баланд ишқомда узумнинг «Хусайни», «Ризамат» каби навлари тилладек товляниб турибди.

– Узумларни кўриб ҳавасингиз келдими, – дея Маҳмуджон Турсунов бизга пешвоз чиқди. – Буларнинг бари берсам, роҳат қиламан, руҳиятим кўтарилади, – дейди катта лейтенант Жавлонбек Аҳмадалиев. – Жиңоят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг энг мақбул йўли ҳам шу: одамлар билан кўпроқ гаплашиш, халқнинг ичида бўлиш. Мен ана шундай шарафли ва масъулиятли соҳада хизмат қилаётганимдан, халқ билан ҳамнафас эканимдан гурурланаман.

Профилактика инспектори маҳалла раиси билан ҳамроҳликда хонадонларни айланиб, одамлар билан мулоқот қилишни жуда яхши кўраркан.

– Фуқаролар билан суҳбатлашсам, уларга қўлимдан келганча ёрдам берсам, роҳат қиламан, руҳиятим кўтарилади, – дейди катта лейтенант Жавлонбек Аҳмадалиев. – Жиңоят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг энг мақбул йўли ҳам шу: одамлар билан кўпроқ гаплашиш, халқнинг ичида бўлиш. Мен ана шундай шарафли ва масъулиятли соҳада хизмат қилаётганимдан, халқ билан ҳамнафас эканимдан гурурланаман.

Абдувосит СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.

Фарғона вилояти.



чи меҳмонларнинг кўплиги ҳудуд профилактика инспекторига катта маъсулият юклаши тайин. Катта лейтенант Жавлонбек Аҳмадалиев ана шундай масъулиятли ҳудудда икки йил ишлаб, устозларидан кўп нарса ўрганди, ҳар томонлама тобланиб, тажриба орттирди. Бу бугун унга жуда кўл келмоқда.

бирга деярли ҳар куни кўча айланиб, одамлар билан мулоқот қиламиз. Профилактик ҳисобда турган шахслар, беморлар, ногиронлар, қарияларнинг ҳолидан биринчи галда хабар олиб, муаммоси бўлса қўлдан келганча ёрдам берамиз.

Маҳаллада иссиқхона ташкил қилган, боғдорчилик билан шуғулланади-



В канун 29-й годовщины со дня обретения независимости Республики Узбекистан в Андижане состоялось праздничное мероприятие. Сотрудникам подразделений УВД Андижанской области, военнослужащим войсковой части № 7553 Караульных войск МВД и бойцам подразделений Национальной гвардии были вручены ключи от новых благоустроенных квартир.

Три пятиэтажных дома стали праздничным подарком для стражей порядка. 108 семей сотрудников ОВД, военнослужащих Караульных войск и подразделений Национальной гвардии стали владельцами прекрасных, современных двух-, трех- и четырехкомнатных квартир. Во дворе оборудована дет-

ская площадка, неподалеку от нее разместился мини-маркет.

С приветственным словом к новоселам обратился начальник УВД Андижанской области полковник Азат Тасбаев. Он отметил, что ввод в эксплуатацию новых домов – знаковое событие в жизни УВД, которое позволило зна-

чительно сократить очередь на предоставление жилья.

– 48 семей военнослужащих получили квартиры в новом доме, – отметил заместитель командира по воспитательной работе войсковой части Караульных войск подполковник Суннат Каримов. – Многие из них снимали квартиры в

разных частях города. Теперь они живут неподалеку от места службы. Это очень удобно.

– Сегодня знаменательный день – вы получаете ключи от квартир. В соответствии с госпрограммой сотни семей стражей порядка, военнослужащих и гвардейцев ежегодно получают долгожданное

жилье, – сказал в своем приветственном слове хоким Андижанской области Шухрат Абдурахманов.

– Теперь у меня есть собственная благоустроенная трехкомнатная квартира, – делится сотрудник мобильного отряда оперативного назначения сержант Дурдона Кодирова. – Спасибо Президенту нашей страны за внимание и заботу.

Контролер третьей секции войсковой части Караульных войск младший сержант Жахонгир Каримов тоже стал владельцем трехкомнатной квартиры. Он и его супруга, Сайёра Каримова, дети – дочь Мехринос и сын Абдухалил счастливы.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент «На посту».
Фото Бехзода ОХУНОВА
и автора.
Андижанская область.

БЕЗОПАСНОСТЬ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

Происходящие в последнее время на дорогах Наманганской области дорожно-транспортные происшествия вызывают серьезную озабоченность у сотрудников службы безопасности дорожного движения.

Особое внимание уделяется профилактической работе, изучению деталей ДТП, условий, при которых они произошли, анализу причин и ликвидации последствий. В центре внимания находятся также мероприятия с участием граждан, в ходе которых рассказывается о реально произошедших авариях. Все участники дорожного движения призываются к бдительности и соблюдению существующих правил.

Но, несмотря на проводимую работу, все же фиксируются дорож-

Два ДТП в день – повод серьезно проанализировать ситуацию

но-транспортные происшествия. К сожалению, среди пострадавших немало тех, чья жизнь оборвалась на дороге.

К примеру, 25 августа нынешнего года, примерно в 01.00, на 56-м километре автомобильной трассы Пунгон–Наманган водитель «Спарка» не справился с управлением, и автомобиль столкнулся с Hyundai porter, двигавшейся по встречной полосе. В результате ДТП пассажир автомобиля «Спарк» получил серьезные травмы и скончался на месте происшествия. Водитель с не менее серьезными ранениями был госпитализирован в



Чустскую районную больницу. Двух других пассажиров, пострадавших в результате аварии, также доставили в лечебное учреждение.

Следственным подразделением при Чустском РОВД по данному факту было возбуждено уголовное дело согласно ч. 2 ст. 266 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Начаты следственные действия.

В тот же день, в 16:45, на 222-м километре автомобильной трассы Ташкент–Ош произошло еще одно ДТП. Житель города Ташкента, находясь за рулем ведомственного грузового автомобиля «Исузу», не смог справиться с управлением. В итоге он врезался в железный бордюр, установленный по центральной части дороги, и перевернулся.

Чтобы спастись, водитель выпрыгнул из машины, но, к сожалению, получил серьезные травмы, от ко-

торых скончался на месте. Машина загорелась, вследствие чего сгорели багаж и... пассажир, находившийся в грузовике.

Органы внутренних дел назначили проверку по данному факту, но ушедших из жизни уже не вернуть.

Дорога всегда полна неожиданностей. Чтобы не допустить печальных последствий, от всех нас в первую очередь требуется соблюдение ПДД.

Уважаемые участники дорожного движения! Не теряйте бдительности на дорогах, будьте осторожны и не забывайте, что малейшая ошибка во время движения может стать причиной ДТП, в результате которого можно потерять свое здоровье, а порой и жизнь, и нанести серьезный ущерб остальным участникам движения.

Азиза ЖАНИЕВА,
корреспондент «На посту».
Наманганская область.



ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

ОТРЯДНИНГ МАРД ЁҒЛОНИ



Мактабдан кўйлаги йиртилган, бурни қонаган ҳолда кириб келган ўглини кўриб Муножотхон оланинг капалаги учди. Нима бўлди, дея қайта-қайта сўраса ҳам, Муҳиддин ерга қараганча, бурнини тортиб тураверди. Отаси Мўйдинжон ака ишдан келгач, яна сўроқ бошланди. Шундан кейингина у синфдошлари билан уришганини айтди.

Эрталаб Муножотхон опа ўглини етаклаб мактабга кириб келганида дарс энди бошланган экан. Жанжалда нимадан келиб чиққани, унда кимлар иштирок этгани ойдинлашди. Бир-икки синфдошининг ота-онаси мактабга чақириладиган бўлди.

Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Синфдошлари Муҳиддинни ажратиб кўядиган, «онасини бошлаб келибди» деб устидан куладиган бўлишди. Муҳиддинга уларнинг пичинглари, камситишлари жуда қаттиқ ботди. Ўзини урган тўрт-беш синфдошининг таъзирини беришни, аламини олишни жуда-жуда хоҳлади. Лекин уларга бас келиш...

Алам билан юрганида бир ўртоғи «Кўшни маҳалладаги мактабда бокс тўғараги бор. Унга қатнашсанг сен ҳам зўр бўласан», деб қолди.

– Ўшанда синфдошларимни уриб, аламинини олишни шундай истардимки, ўртоғимнинг таклифига жон деб рози бўлдим. Тўғаракка ёзилдим, машғулотларни қанда қилмадим. Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган мусобақада иккинчи ўринни эгалладим. Бора-бора ҳаётга қарашим ўзгара борди. Мени урган синфдошларимга нисбатан нафрат сўниб, ҳаётда ўз мақсадим сари интила бошладим. Бугун ўша синфдошларимдан жуда миннатдорман. Агар улар мени урмаганида, балки, спортга яқинлашмаган, спортчи бўлиб катта-катта мусобақаларда галаба қозонмаган бўлардим...

Президент қарорига кўра яқинда «Мард ёғлон» давлат мукофоти билан тақдирланган Тошкент шаҳар ИИББ Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди биринчи ишғол қилиш гуруҳи катта мутахассис-ўққиси, сафдор Муҳиддин Мамажонов болалик дамларини шундай хотирлайди.

Фарғона вилоятида туғилган Муҳиддин Мамажонов мактабда ўқиб юрган кезлариёқ кўплаб мусобақаларда иштирок этиб, чемпионлик мазасини татиб кўрди. Республика, Осиё чемпионатларида совриндор бўлди. Айнан спорт орқали у кейинги тақдирини ҳам белгилаб олди. Ички ишлар органларининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядига хизматга қабул қилинди.

Сафдор М. Мамажонов ўтган вақт мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирларда фаол қатнашиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашга ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқда. У хизмат фаолияти давомида гиёҳвандлик, экстремизм ва терроризмга оид оғир ва ўта оғир жиноятларни фош этиш ҳамда ушбу жиноий гуруҳлар-

Кўл жанги бўйича 2017–2018 йилларда ўтказилган иккита жаҳон чемпионатида, иккита Европа очик чемпионатида, Ўзбекистон кубогидан қатнашиб, ҳаммасида биринчи ўринни забт этди.

ни кўлга олиш билан боғлиқ ўндан ортиқ тезкор тадбирларда иштирок этиб, юқори касбий маҳоратини намоён этди. Ушбу тадбирларда 20 нафар жиноятчи ушланди, бир донна жанговар қурол, 4 донна совуқ қурол, 100 грамдан ортиқ наркотик моддалар ҳамда норасмий экстремистик оқим аъзолари томонидан чоп этилган адабиётлар бевосита унинг иштирокида олинди.

Лавҳамиз қаҳрамони нафақат хизматда, балки спортда ҳам юқори натижаларни кўлга киритмоқда. Кўл жанги билан мунтазам шуғулланиб, республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда бир неча бор юқори ўринларни эгаллаб, юртимиз байроғини баланд кўтариб келмоқда. Жумладан, кўл жанги бўйича 2017–2018 йилларда



пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ташкил этилган ҳаваскорлар ва профессионаллар ўртасидаги Осиё очик чемпионатида ҳам зафар қучди.

Унинг орзулари бир олам. Айни пайтда ИИБ Академиясининг Сиртки факультети 3-босқичида таълим олаётган Муҳиддин келажақда офицер бўлиб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилишни, спортда янада юқори натижаларга эришишни хоҳлайди.

– Сафдор Муҳиддин Мамажонов хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришиб келаётган, ташаббускор ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда доимо олдинги сафда турадиган ходимларимиздан бири, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди бошлиғи, подполковник Хуршид Шарипов. – «Мард ёғлон» мукофоти билан тақдирланишини унинг хизматлари учун берилган яна бир баҳо бўлди, дейиш мумкин. Муҳиддиннинг бир характерини қадрлайман. Кўпроқ мусобақаларда бўлиб қолган пайтлари ҳам хизматга етиб келишга ҳаракат қилади. Жанговар ҳаракатларда, операцияларда фаол иштирок этади. Мен чемпионан, хизматга бормасам бўлади, дея ҳаволанмайди. Хуллас, у касбига фидойи ходим.

Сафдор Муҳиддин Мамажонов аралаш жанг санъатида ҳам ўзини синаб кўришга аҳд қилган. Жорий йилнинг март ойида Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида биринчи жангини ўтказиши керак эди. Лекин пандемия туфайли жанг ортга сурилди. Шунга қарамай, у шуғулланишда давом этмоқда.

– Ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, аввало, ота-онам, кейин устозим, полковник Суннатали Абдуқодировнинг меҳнатлари туфайли. Улардан жуда миннатдорман, – дейди сафдор М. Мамажонов. – Менга берилган «Мард ёғлон» мукофотида ота-онам, устозларим, ҳамкасбларимнинг ҳиссаси бор. Бу мукофот бутун жамоамизга берилган. Бунинг учун Юртбошимизга, вазирлик раҳбариятига ўз миннатдорлигимни билдираман. Бу ишончни оқлашга ваъда бераман.

Муҳиддин Мамажонов бахтли оила соҳибларидан бири. Турмуш ўртоғи Зиёдахон билан бир нафар қизини тарбиялаб келмоқда.

Фозилжон МАМАШАРИПОВ,
«Postda» мухбири.





BOLALAR SAHIFASI



DIQQAT, QOBILIYATLI BOLA!

Ba'zan ota-ona o'ziga armon bo'lib qolgan mashg'ulot bilan endilikda farzandi shug'ullanishini xohlaydi va uni shunga «majburlaydi» yoki oilaviy an'ana asosida bolalar ba'zan ota kasb yoki ona kasbga yo'naltiriladi. Har ikki holda ham bolaning xohish va qobiliyati bilan qiziqilmay, ular uchun ota-ona qaror qabul qiladi.

Qanday mashg'ulot bilan shug'ullanishidan qat'i nazar, tennismi, musiqa yoki rassomchilik bo'ladimi bola ham, ota-ona ham ko'p narsadan voz kechishi kerak bo'ladi. Yangi mashg'ulot anchagina vaqtni, ba'zan kattaroq mablag' ajratishni, ba'zan esa havasni keltiradigan takliflarni rad etishni va rejadagi ishlarni o'zgartirishni talab qiladi. Buning ustiga bolaning kayfiyati ham o'zgaruvchan bo'ladi: bir sportchi bo'lishni, bir doktor

bo'lishni, ba'zan hunar o'rganishni istab qoladi. Bunda siz farzandingizning qiziqishlarini hisobga olishingiz, u bilan kelishgan holda mashg'ulot turini tanlashingiz maqsadga muvofiqdir.



Har qanday holda ham o'z ushalmagan orzularingiz va rivojlanmay qolgan iste'dodingizni bolangiz uchun «majburiy» rejalashtirmang. Uni o'yin-kulgu va g'ayratini yo'qotmagan holda o'z qobiliyatini rivojlantirishiga imkon yarating.

TEZ AYTISH

Sardor savatdagi saralangan sabzilarni suvga soldi.

Kaklik kakkudan kattami, Kaku kakkidan kattami?

Maftunaning muzlatgichdagi muzqaymog'i murabbodan mazali.



ZEHNINGNI CHARXLA

Bu o'yinda kamida 6 nafar bola qatnashadi. Yana bir jihati, unda boshqaruvchi, ya'ni sardor, tajribali kishi bo'lishi kerak. Bolalar qator tizilib o'tiradi. Sardor bolalarga o'yin shartini tushuntiradi:
- Hozir men sizlarga shirinliklar va boshqa narsalar nomini aralashtirib aytib


turaman, sizlar shirinliklar nomini eshitganingiz zahoti, «oh» deysizlar, shirinliklar nomi bo'lmasa, indamaysizlar.
So'ngra sardor shirinliklar va boshqa narsalarning nomlarini birma-bir aytaveradi:
- Shakar.
- Oh.
- Novot.

- Oh.
- Non.
- ...
- Asal.
- Oh.
- Sut.
- ...
- O'yin jarayonida adashgan yoki javob bermagan bola o'yindan chiqadi. G'olib o'yin so'ngida qolgan yagona bola hisoblanadi.

XANDA

Ustoz o'quvchilaridan so'rabdi:
- Kim maktabdan keyin institutga kirishni xohlaydi?
Hamma bolalar qo'lini ko'taribdi. Faqat bitta o'quvchi qo'lini ko'tarmasmish.
Ustozi undan:
- Nega sen ko'tarmayapsan? - deb so'rasa, o'quvchi:
- Oyim maktabdan keyin to'g'ri uyga kelgin, deb tayinlaganlar, - degan ekan.

RASMNI SHARTLI RAVISHDA KO'RSATILGAN RANGLAR BILAN BO'YANG.



BOLALIK BAXTI

Ko'rkam Vatan qo'ynida
Ochildi gul-lolalar.
Madh etamiz shodlikni,
Biz baxtiyor bolalar.

Osmonimiz musaffo,
Tiniq otar tongimiz.
Kelajakka nur sochar -
Yolqin misol ongimiz.

Bolalikning soflligin
Shalolaga qiyoslar.
Baxtimizni kuzatib
Chaqnab ketar quyoshlar.

Ko'nglimizda hayajon,
Xurramlik - katta boylik.
Bolalikning qadriga
Bolalikda yetaylik!



Yayratadi dillarni,
O'yin-kulgu, yallalar.
Quvonchimiz har dilda -
Kamalakday ranglanar.

Tinch bo'lsin Yer kurrasi,
Olov qalblar gurlasin.
Madhiyadir olamga -
Bolalarning «urra»si!

Orif TO'XTASH.

Sahifa materiallarini Adolat FAYZIYEVA tayyorladi.

ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:



В секторе, закрепленном за Управлением Национальной гвардии по Бухарской области, ведется целенаправленная работа с обращениями граждан,

«Туркон» Бухарского района, о том, что его семья оказалась в сложном материальном положении. В рамках благотворительных мероприятий данной семье

ПОМОЩЬ И ПОДДЕРЖКА

реализуются практические меры по разрешению вопросов, волнующих население.

Так, ответственными сотрудниками рассмотрено обращение гражданина А. Н., проживающего на территории МСГ

представителями Национальной гвардии и хокимията района был передан домашний скот.

В результате подомовых обходов рабочей группой было принято решение о передаче двух голов крупного рогатого скота жителю МСГ «Галаосиё» Бухарского района.

Благотворительная деятельность по поддержке малообеспеченных семей, проживающих на территории сектора, закрепленного за Управлением Национальной гвардии Бухарской области, осуществляется на регулярной основе.



ВЫРАЖЕНИЕ

ПРИЗНАТЕЛЬНОСТИ ЗА ТРУД

Неоценим труд работников благоустройства, неустанно, круглый год обеспечивающих чистоту и порядок на наших улицах.

В городе Андижане в целях поддержки и выражения признательности представителям управления по благоустройству военнослужащие Национальной гвардии посетили их рабочие места. Более 100 рабочим розданы бутылированная питьевая вода, фрукты и медицинские маски.

Проведение подобных благотворительных мероприятий продолжается.



ВЕДЕТСЯ ЦЕЛЕНАПРАВЛЕННАЯ ПРОФИЛАКТИЧЕСКАЯ РАБОТА



Ответственными сотрудниками территориальных подразделений Национальной гвардии ведется системная деятельность по изучению проблем, имеющихся у населения, установлению причин и условий совершения правонарушений и их устранению.

Такая работа проводится и в Ташкентской области. Сотрудники Национальной гвардии и ОВД города Ахангарана осуществляют профилактические мероприятия в махаллях с учетом их специфики.

На территории МСГ «Бустон», «Намуна», «Бирлику» и «Умид» были выявлены семьи, находящиеся на грани развода. В результате профилактической работы шесть семей удалось примирить – супруги добровольно отозвали заявления о разводе. Женщинам, пострадавшим от притеснения и насилия, были выданы охранные ордера.

ПРОБЛЕМЫ НАХОДЯТ СВОЕ РЕШЕНИЕ

В Бухарской области командованием Национальной гвардии был организован выездной прием. Составилась встреча с военнослужащими, сотрудниками Управления Национальной гвардии по Бухарской области и членами их семей.

В мероприятии также приняли участие заместитель хокима области, ответственные сотрудники областного подразделения военной прокуратуры, управления содействия занятости населения, агентства государственных услуг. Основное внимание было уделено вопросам социальной защиты военнослужащих и сотрудников, а также членов их семей. Во время выездного приема поступило 56 обращений, по каждому из которых приняты соответствующие решения.

В ходе мероприятия была посещена школа № 35 города Бухары, закрепленная за Управлением Национальной гвардии по Бухарской области. Администрации образовательного учреждения даны рекомендации по размещению в школе новых, утвержденных командованием Нацгвардии, агитационно-пропагандистских стендов, а также по улучшению ее инфраструктуры.

Также был осматретен военный городок, где расположены дома для военнослужащих, квартиры в которых предоставлены им на условиях льготного кредитования. Изучены жилищные условия военнослужащих, намечены меры по устранению выявленных недостатков.



НЕ ПОПАДАЙТЕСЬ НА УЛОВКИ МОШЕННИКОВ!

В последнее время в средствах массовой информации все чаще стали появляться публикации о разоблачении мошенников, которые под ложными предлогами, за материальное вознаграждение обещали гражданам устроить их на работу или учебу. Среди таких дельцов есть и те, кто предлагал свою «помощь» в устройстве на службу в Национальную гвардию.

Возникает резонный вопрос: что движет людьми, попадающими в ловко расставленные сети проходимцев? Не желание ли быстро и без особых усилий достичь преследуемую ими цель?

Известно, что для службы в рядах Национальной гвардии необходимо успешно пройти несколько этапов. Отдельные граждане, не желая проходить эти этапы, в поиске легких путей, как говорится, подливают воду на мельницу самых мошенников, руководствующихся принципом: «Есть спрос – есть предложение». Поверив их обещаниям, люди в результате остаются без работы и без денег.

И еще: осознают ли так называемые пострадавшие

что они, как и лица, обещающие «решить вопрос», становятся соучастниками преступления?

В целях недопущения такого рода негативных фактов, на службу в Национальную гвардию граждане принимаются на основе объективной и прозрачной системы отбора. Данный вопрос находится под пристальным вниманием командования Нацгвардии.

Кандидат после обращения с заявлением в территориальное подразделение Национальной гвардии, предъявления паспорта, справок о семейном положении и годности к службе в кратчайшие сроки принимается в воинизированное подразделение службы охраны Нацио-

нальной гвардии по месту жительства. Следует отметить, что для обеспечения прозрачности приема кандидата на службу, помимо видеозаписи, предусмотрена также возможность участия родителей в данном процессе в качестве наблюдателей.

Последующий этап – назначение сотрудников, достигших положительных результатов в службе, в другие подразделения Нацгвардии после проверки в установленном порядке их физической подготовленности, прохождения ими психологического и медицинского обследования и специальной проверки.

Не стоит верить ложным обещаниям мошенников, желающих нажиться на доверчивости людей. Если кто-либо предлагает устроиться на работу или учебу в Национальную гвардию в обход установленных правил за материальное вознаграждение, следует обратиться в территориальное подразделение инспекции по личному составу Национальной гвардии Республики Узбекистан.

Материалы полосы подготовила лейтенант Нозима МАХМУДОВА.

ЕСТЬ ТАКАЯ СЛУЖБА

Они в ответе за каждого

Железная дорога – удобный и востребованный вид транспорта. Им ежедневно пользуются сотни тысяч людей. В связи со смягчением карантина в нашей стране были возобновлены междугородние рейсы.



Сотрудниками Управления обеспечения безопасности на транспорте УВД Самаркандской области осуществляется регулярная оперативно-профилактическая работа по предупреждению преступлений и правонарушений на вокзалах и станциях, устранению вызывающих их причин.

– Инспектора профилактики регулярно проводят профилактические беседы, направленные на снижение уровня правонарушений, соблюдение требований карантина и правил поведения на железнодорожных путях, – рассказывает начальник отдела профилактики капитан Алишер Очилов. – Но, несмо-

тря на принимаемые меры, все еще существует угроза для субъектов данной инфраструктуры. К примеру, жители домов, расположенных вблизи путей, не соблюдают правила безопасности: крупный рогатый скот пасется по обочинам полотна, граждане своенольно переходят рельсы в неполюженном месте, имеются факты столкновения автомобилей с пассажирскими и грузовыми поездами на охраняемых и неохраняемых железнодорожных переездах.

В целях обеспечения безопасности скоростного электропоезда «Афросиаб», других пассажирских и грузовых поездов среди жителей 1 910 домашних хозяйств, работников предприятий, организаций, расположенных вблизи железнодорожных путей, были распространены флаеры на русском и узбекском языках, напоминающие о правилах поведения на железной дороге.

В ходе рейдов, проведенных инспекторами профилактики управления, выявлено

1 350 административных нарушений, составлены протоколы в отношении родителей 11 подростков, нарушивших нормы безопасности.

Прогресс не стоит на месте. Совершенствуется техническое оснащение объектов железнодорожной инфраструктуры, значительно повысились скоростные характеристики поездов. Остановить, к примеру, «Афросиаб», если в этом возникнет необходимость, очень сложно. Однако, забывая об опасности, дети играют на путях, кладут камни на рельсы, молодежь делает селфи и перебегает полотно в неполюженном месте. Все это может привести к трагическим последствиям.

– Так, двое несовершеннолетних детей из Самарканда, 2009 и 2006 года рождения, возвращаясь домой после тренировок, перелезли через решетку и положили камни на рельсы. Вовремя подоспевшие сотрудники железной дороги и инспектор управления предотвратили возможную трагедию, – от-

мечает инспектор профилактики по делам несовершеннолетних и молодежи капитан Наргиза Бекмухамедова. – Могла обернуться бедой и шалость девочек-подростков, решивших поселиться на фоне полотна. Сотрудники вовремя заметили их и не дали реализовать опасный замысел. В обоих случаях нами был составлен протокол в отношении родителей в соответствии со ст. 47 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности («Невыполнение обязанностей по воспитанию и обучению детей»). Дело передано в хокимият города.

Однако нарушают правила не только подростки, но и взрослые. Например, 38-летний житель махаллы Бодай Пахтагинского района, бросив камень в поезд, курсирующий из Ташкента в Бухару через Самарканд, разбил окно вагона.

Злоумышленников призывают к ответственности сотрудники Управления обеспечения безопасности на


транспорте УВД, в котором трудятся более 120 человек. Один из них – старший следователь капитан А. Данияров, поощренный весной текущего года приказом областного руководства. Он проявил себя честным и неподкупным сотрудником. Расследуя дело о краже, совершенной в Нарпайском районе, он разоблачил мздоимца, который, в надежде избежать наказания, предложил капитану взятку в размере семи миллионов сумов. Злоумышленник был задержан при передаче денег.

Сотрудникам приходится бороться не только с нарушителями правил поведения на железной дороге и взяточдателями. В управлении функционируют отделы следствия, профилактики правонарушений, уголовного розыска, патрульно-постовой службы, ведется борьба с незаконным оборотом наркотиков. На сегодняшний день наиболее «популярными» преступлениями остаются кражи, хулиганство, дача взяток.

Сотрудники Управления обеспечения безопасности на транспорте УВД Самаркандской области несут службу не только на вокзалах, станциях, прилегающих к ним территориях, в поездах, на перегонах. В их поле зрения – огромная территория и населяющие ее люди. Они в ответе за каждого.

Замира БАЛТАЕВА,
корреспондент
«На посту».
Фото автора.

Самаркандская область.



ЛУҚМА

ГАПИРАМАН ДЕСАНГ, ГАП КЎП...

ШЎРЛИК ПИЁДАЛАР

Таниқли сатириклар Илья Ильф ва Евгений Петров ўзларининг машҳур «Олтин бузоқ» романида пиёдалар қандай бунёдкорлик ишларини амалга оширгани, қанақа кашфиётлар қилгани ҳақида ёзиб: «Шуни таъкидлаш жоизки, автомобилни ҳам пиёдалар ўйлаб топишган. Аммо ҳайдовчилар буни дарҳол унутишди», дейишади аччиқ истеҳзо билан.

Ҳа, адиблар ҳақ. Айниқса, ҳозирги замон ҳайдовчилари шунчаликка боришяптики, ҳатто баъзан пиёдаларнинг махсус ўтиш жойларидан кўк чироқ ёниб турганида ўтаётганига сабри чидамай бетўхтов сигнал чалишади. Шўрлик пиёдага йўл бермай, қизил чироқда ўтиб ке-

тадиган ҳовлиқмалар ҳам бор.

Роман муаллифлари йўлларни ҳайдовчилар эгаллаб олгани, пиёдалар йўлқалари эса торайиб бораётганидан нолишганди. Бизнинг замонамизга келиб эса ана шу йўлқаларга ҳам «темир тойчоқ»ларини хоҳласа узунасига, хоҳласа кўндалангига қўйиб кетаётган ҳайдовчилар тоифаси пайдо бўлган. Шўрлик пиёдалар бир-бирига тақаб, пала-партиш қўйилган машиналар орасидан бир амаллаб ўтишади.

Лекин шундан кейин ҳам ўз йўлагига бемалол юра олишмайди. Энди велосипедчилар ва скейтбордчилар уларнинг оромини бузишади. Бу тушмагурлар рўпарадан келишса-ку хўп-хўп, лекин айримлари орқадан келиб, шўрлик пиёдаларни

шошириб қўйишяпти, гоҳида эса уларни туртиб кетиб, ҳатто тан жароҳати ҳам етказишяпти.

Хўш, манзилига шошайтган пиёда яёв юришга эринса нима қилади? Одатда жамоат транспортига, кўпинча автобусга ўтиради. Автобусга эса, табиийки, бекатдан чиқади. Лекин баъзи босар-тусарини билмайдиган, қоидаларни писанд қилмайдиган ҳайдовчилар машиналарини бекатга тақаб қўйишади. Бундай вазиятда пиёдалардан ҳам кўра кўпроқ автобус ҳайдовчилари қийналишяпти. Улар бекатга етиб келганда автобусни биринчи полосага олиш, йўловчилар чиққанидан кейин эса бекатдан чиқиб кетиш чоғида бор маҳоратларини ишга солишларига тўғри келяпти.



ВЕЛОСИПЕДЧИЛАРГА ҲАМ ОСОНМАС

Инсоф билан айтганда, велосипедчиларга ҳам қийин. Улар учун махсус йўлақлар энди-энди бунёд этиляпти. Бундай йўлақлар асосан Тошкент шаҳрида қурилмоқда. Скейтбордчилар учун махсус майдончалар ундан ҳам кам. Кўчанинг қатнов қисмида ҳаракатланаётган велосипедчиларнинг ҳаммаси ҳам йўл ҳаракати қоидаларини билшмайди. Ваҳоланки, улар ҳайдовчи ҳисобланади. Автомобиль йўлида скейтборд учадиганлар эса ўз ҳаётларини хавф остида қолдиргани етмаганидек, ҳайдовчиларга ҳам ноқулайлик туғдиришади.

Дўппини олиб, бундоқ ўйлаб қараса, ҳайдовчиларга ҳам осон эмас. Бир томондан

кўчанинг истаган жойидан кесиб ўтаётган пиёдалар уларнинг асабини эғовлайди. Иккинчи томондан қоидабузар велосипедчилар бошига оғриқ киритади. Бу ҳам етмаганидек, қоидаларни писанд қилмайдиган ёки билмайдиган ҳамкасблари, шошқалоқ мотоциклчилар учраб туради.

Хуллас, ҳаммага қийин. Гапираман деса гап кўп. Лекин нима бўлганда ҳам, азиз, ҳайдовчилар, машиналарининг пиёдалар йўлақларига, бекатлар ёнига қўйманг. Пиёдаларни ҳурмат қилинг. Ахир, сиз ҳам бир пайтлар пиёда бўлгансиз-ку. Қолаверса, пайти келиб яна пиёдага айланишингиз ҳам мумкин...

Бобомурод ТОШЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси, тарихи, ҳуқуқий таълимотлар тарихи;

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи;

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ;

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, криминалогия, жиноят-ижроия ҳуқуқи;

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси.

ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультетиغا фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун таянч докторантурага кирувчи (шаҳодатланган ходимлар таркибидан) ёки мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилувчи талабгорлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

► магистр даражаси ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;

► фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган муайян илмий натижаларга, шу жумладан, илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида битта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш;

► фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка икки йилдан кам бўлмаган илмий-педагогик стажга ёки аниқ илмий йутуққа (ихтирога патент ёки муаллифлик гувоҳномасига) эга бўлган шахслар расмийлаштирилади.

ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультетиغا фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторантурага кирувчи (шаҳодатланган ходимлар таркибидан) ёки мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилувчи талабгорлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

► фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD), унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган илмий даражалар;

► фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олгандан сўнг муҳим илмий йутуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.

Таянч докторантурага талабгорлар тегишли ихтисосликни кўрсатиб, ИИВ Академияси бошлиғи номига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда билдирги билан мурожаат этади:

► ишловчининг иш жойидаги кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланган шахсий варақаси ва таржимаи ҳол;

► олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

► хизмат фаолияти бўйича иш жойидаги кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланган маълумотнома (объективка);

► талабгорнинг имзоси, иш жойидаги кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланган нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;

► 4x6 см. ўлчамдаги икки дона рангли фотосурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширади. Талабгорларда IELTS (ўртача балли камида 5,5), TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

Кириш имтиҳонлари 1 ноябрдан 25-ноябргача ўтказилади.

Докторантурага ўқишга талабгорлар танланган илмий ихтисослигини кўрсатиб, ИИВ Академияси бошлиғи номига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда билдирги билан мурожаат этади:

► ишловчининг иш жойидаги кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланган шахсий варақаси ва таржимаи ҳол;

► олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (мутахассислик дастурлари бўйича) диплом нусхаси;

► фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

► тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

► хизмат фаолияти бўйича иш жойидаги кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланган маълумотнома (объективка);

► талабгорнинг имзоси, иш жойидаги кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланган нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;

► 4x6 см. ўлчамдаги икки дона рангли фотосурат. Докторантурада ўқиш учун кираётган талабгорлар Коллегиал орган томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади.

Суҳбат 1 ноябрдан 25 ноябргача ўтказилади.

Мустақил изланувчиликка (PhD ёки DSc) талабгор танлаган илмий ихтисослигини кўрсатиб, қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ИИВ Академияси бошлиғи номига билдирги ёки ариза билан мурожаат этиши лозим:

► қисқача ўзи тўғрисида маълумотнома, ишловчининг иш жойидаги кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланган шахсий варақаси ва таржимаи ҳол;

► фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистр ёхуд олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

► талабгорнинг иш жойидаги кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси ёки хизмат фаолияти бўйича маълумотнома (объективка);

► талабгорнинг иш жойидаги кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;

► фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;

► иш (хизмат) жойидан тавсифнома;

► 4x6 см. ўлчамдаги икки дона рангли фотосурат. Мустақил изланувчиликка талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосаси бўйича амалга оширилади.

ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети докторанти ёки мустақил изланувчиликка талабгорларнинг юқорида қайд этилган ҳужжатлари корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбарининг ИИВ Академияси бошлиғи номига ёзилган йўлланма хати билан юборилиши лозим.

Ҳужжатлар 2020 йилнинг 15 сентябридан 15 октябрга қадар қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 71-265-23-59.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
манзили: 100197, Тошкент шаҳри,
Интизор кўчаси, 68.

ҲИҚМАТЛИ ДУНЁ

ҚАЛБ ЖАРОҲАТИ

Феъл-атвори ёмон бир бола бор экан. Кунларнинг бирида отаси унга михлар солинган қопчани бериб, ҳар сафар ўзини тута олмай жаҳли чиққанида ва ким биландир уришмоқчи бўлганида боғ атрофидаги тахтали деворга биттадан мих қоқишини тайинлабди.

Бола биринчи ҳафтада 37 та михни деворга қоқибди. Кейингиларида ўзини босишга ҳаракат қилибди. Қоқилган михлар сони кундан-кунга камай борибди. У михлаш машғулотида кўра ўзини оқилонга туттиш осонроқ эканини тушунибди...

Нихоят, деворга биронта ҳам мих қоқилмаган кун келибди. У отасига бу ҳақда маълум қилибди. Шунда падари

ундан жанжал қилмаган ва бировнинг кўнглини огритишдан тийилган ҳар бир онда ўша михлардан бирини суғуришни сўрабди. Кунлар кетидан кунлар ўтибди, ўғил тахта девордаги барча михларни олиб ташлашга эришибди.

Шундан сўнг отаси болани ёнига чақириб, шундай дебди: «Ўғлим, сен ўзингни яхши тутдинг, лекин мана бу тешикларга боқ. Улар энди аввалгидек ҳолга келмайди. Агар сен ким биландир уришсанг ёки қалбини яраласанг, суҳбатдошингга мана шунга ўхшаш жароҳат етказган бўласан. Қанчалик узр сўрасанг ҳам унинг изини йўқота олмайсан. Шуни унутма, қалб жароҳати танга етказилганидан огирроқ».



Рус тилидан Гулчехра АЗИМОВА таржимаси.

ЎТАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИВ Фахрийлар кенгаши кўп йиллар давомида ИИВ бирлашган касабга уюшмаси қўмитаси раиси лавозимида ишлаган

**Ханифа
ДЖАЛИЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

ЗДОРОВЬЕ

9 способов проснуться счастливым

От того, как мы начинаем утро, зависит, как пройдет день. Из череды дней складывается наша жизнь. Каким же должно быть утро?

Готовьте утро с вечера

Перед сном обязательно примите душ, а лучше – ароматную расслабляющую ванну. «Смойте» с себя все проблемы и печали, оставьте их в минувшем дне. Вспомните перед сном то хорошее, что произошло за день.

Не сидите перед сном за компьютером, чтобы не набраться негативных эмоций, которые не дадут уснуть.

Спите в хорошо проветриваемом помещении. Приток свежего воздуха должен быть обязательно!

Чтобы выспаться, ложитесь пораньше, лучше между десятью и одиннадцатью, но уж точно не позже полуночи.

Улыбайтесь!

Проснувшись, не спешите вскакивать с постели. Полежите еще минутку, наслаждаясь покоем. Постепенно вы привыкните начинать утро именно так, и хорошее настроение станет посещать вас все раньше и чаще.

Лежа в постели вспомните 10 причин быть благодарным судьбе. Это не так трудно! Только не пускайте в себя мысли о проблемах и делах. Новый день принесет вам радость, если утром вы сделаете соответствующий «заказ».



Сделайте пробуждение приятным

Откажитесь от будильника. Настройте на телефоне приятную мелодию или рингтон. Пусть звуки, которые будят вас по утрам, уже сквозь сон несут с собой радость.



Важно просыпаться с первого раза, а не ставить будильник так, чтобы он будил вас каждые 10 минут, – так можно добиться обратного эффекта: к моменту подъема чувствовать себя разбитыми.

Надо приучить себя вставать рано, независимо от того, сова вы или жаворонок. Даже те среди сов, кто просыпается раньше, в течение дня чаще чувствуют себя более активными и оптимистично настроенными, чем те, кто встает позже.

Волшебный стакан воды

Выпивайте стакан воды натощак, как только встали с постели. Он устраняет дефицит жидкости, очищает слизистые от шлаков и токсинов, скопившихся за ночь, подготавливает желудочно-кишечный тракт к будущей работе и обеспечивает очень мягкий слабительный эффект.

Придумайте свой день

Вообразите, каким вы хотите видеть ваш сегодняшний день. Представляйте его в деталях. Вообразите свой день, оформляйте мечты каждое утро, и увидите – пройдет не так много времени, и ваша жизнь изменится.

Массаж и утренний душ

Если утром трудно проснуться до конца, вам поможет массаж ушей и рук. Интенсивно потрите мочки, помните все ухо, помассируйте пальцы от кончиков к ладони так, как будто вы надеваете тесные перчатки.

Поможет также утренний душ! Лучше контрастный – он активизирует кровообращение, ускоряет обменные вещества и помогает настроиться на позитивный лад. Но если вы не сторонник экстремальных методов, тогда сделайте воду сначала чуть теплее, а потом прохладнее, и так несколько раз, заканчивая прохладной водой.

Правильный завтрак

Обязательно вкусно позавтракайте! Во-первых, это оптимизирует обмен веществ. Во-вторых, это то, что вы съедаете за завтраком, лучше усваивается организмом, чем то, что вы съедаете за обедом и ужином.

Самый правильный выбор – каши, мюсли, омлет, фрукты и овощи. Если можете, обойдитесь без кофе. Хороший чай намного полезнее и отлично бодрит.



Делайте маленькие добрые дела!

Уступите кому-то место в общественном транспорте, придержите дверь, пожелайте доброго дня продавщице в ларьке, угостите бездомного пса сосиской. Окружающим будет приятно, а вы получите удовольствие от того, что сделали маленькое хорошее дело!

Прекрасного вам утра и чудесного дня!

Почему нельзя долго находиться в одном положении?

Чтобы быть здоровым, сильным и позитивным, надо двигаться. Движение – это в первую очередь сокращения мышц. А сокращения мышц содействуют протеканию таких жизненно важных процессов, как кровообращение и очищение лимфы. Зарядкой мы занимаемся не только потому, что нам нужны сильные мышцы, но и для очищения от шлаков и насыщения тканей питательными веществами (за счет крови).

Когда мы долго остаемся на месте, мышцы не работают, значит, не работают и лимфатические сосуды, из-за чего не движется лимфа, и организм начинает «тормозить». Это первая важная причина.

Вторая – позвоночник. После головного мозга позвоночник – самая жизненно важная часть организма. По нему проходит спинной мозг, передающий нервные импульсы. Некоторые даже утверждают, что от состояния позвоночника зависит наше настроение. Он – каркас тела, его опора.



Какие продукты разжижают кровь?

Функция крови в том, чтобы переносить питательные вещества и кислород по всему организму, поэтому очень важно, чтобы она была в нормальном состоянии. Для этого нужно вести здоровый образ жизни, правильно питаться – потреблять большое количество растительной пищи, клетчатки.

Вот несколько рекомендаций, как питаться, чтобы кровь не была густой, так как такая кровь может принести целый букет проблем.

Необходимо употреблять в пищу больше кислых и острых продуктов. К примеру, **чеснок и перец чили**. Они способствуют разжижению крови.

Кислые продукты, к примеру, **цитрусовые**, очень полезны для крови, поэтому старайтесь почаще включать в свой рацион апельсины, мандарины, лимоны. Пейте чай с лимоном не только во

время простуды. Помните, что апельсины могут быть противопоказаны при некоторых заболеваниях, так что надо в любом случае посоветоваться с врачом. Полезны все **красные овощи и фрукты**. Добавляйте в свой рацион по



больше помидоров, болгарского перца, грейпфрут.

Употребляйте продукты с содержанием йода. Почаще ешьте **морскую капусту**.

Рыба. Она очень полезна и разжижает кровь, особенно жирные сорта.

Очищают кровь также **кефир, вишня, черешня, грецкий орех**.

КАК ЭТО БЫЛО

ГДЕ ИЗОБРЕТЕНО ТЕЛЕВИДЕНИЕ?

Первое в мире телевидение было изобретено в Ташкенте, разработал электронно-лучевую трубку простой инженер Б. Грабовский.




...Шел 1927-й год. В те годы ташкентцы еще удивлялись установленным на столбах громкоговорителям, ни у кого в доме не было даже маленького чуда — радио, и вдруг в небольшом зале Народного дворца лекция — «Видение по радио». Зал был переполнен — студенты, ремесленники, рабочие. Далеко не каждый мог услышать, как работает радио. И если в радиоголос уже можно было поверить, то «видение по радио» было из области фантастики. Читал эту лекцию молодой инженер Борис Грабовский. Слушали ее как сказку. Но Грабовский не был сказочником. Откуда у парня, недавно вернувшегося с гражданской войны, сказочные ковры-самолеты? Самое волшебное, что было в доме, — «телефот», прибор для видения на расстоянии. Но в это трудно было поверить. И даже видный ученый Борис Львович Розинг не поверил своим глазам, когда в 1925 году Грабовский привез ему в Ленинград свой «телефот». Ученый был восхищен. Перед ним, в отличие от механических систем, стоял настоящий электронный телевизор, созданный по тому же принципу, по которому сейчас работают «голубые экраны».

Но нужна была электронно-лучевая трубка, которую нельзя было изготовить в кустарной мастерской. Тогда для молодого ученого открылись двери лаборатории Среднеазиатского университета. На ленинградском заводе «Светлана» была собрана первая электронно-лучевая трубка, на которой впервые появилось движущееся изображение.

26 июля 1928 года, в 12 часов дня был проведен первый официальный телевизионный сеанс: члены комиссии увидели на экране «телефота» движущееся изобра-

жение. А потом был первый теле-репортаж. Аппаратуру установили рядом с кинотеатром «Хива», у самого перекрестка. Мимо сновали трамваи и прохожие, и все это отражалось на маленьком экранчике «телефота».

Так что телевидение в Ташкенте — первое в мире. А потом началась война и было не до телевидения. После войны появился в домах здоровый, громоздкий «КВН-49». И был он большой редкостью. Соседи собирались в той квартире, где стоял телевизор. Приходили со своими стульями целыми семьями, и счастливый владелец устраивал просмотры. Огромная линза, стоящая перед экраном, освещалась



голубоватым светом, и диктор объявлял программу, которую смотрели всю от начала до конца.

Первые регулярные передачи Ташкентского телецентра начались в ноябре 1956 года. А через три года ташкентцы начали смотреть внестудийные передачи — репортажи с праздников, спортивных состязаний.

В начале восьмидесятых годов начала работу Ташкентская телевизионная башня, которая по сей день остается самой высокой телебашней в Центральной Азии.

В настоящее время на смену аналоговому телевидению пришло цифровое. Узбекистан полностью перешел на цифровое вещание.

Подготовил
Борис ВЛАДИМИРОВ.



ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

с 7 по 13 сентября



Овен. Всеми правдами и неправдами уходите от конфликтов и споров, с чем бы они ни были связаны. Вероятно, вам придется нелегко на работе. Оправдываться или возражать нет смысла. Вскоре все выяснится и справедливость возторжествует.



Телец. Остаться в стороне от рабочих проблем или отмолчаться в личных вопросах не получится. Как бы ни складывались обстоятельства, твердо отстаивайте свою позицию и не пренебрегайте собственными интересами. Следите за расходами, но не покупайте товары со скидкой.



Близнецы. Начинать какие-либо серьезные дела можно не ранее 9 сентября. А до этого времени воздержитесь от активной деятельности, по возможности, ограничьте контакты и постарайтесь ни с кем не конфликтовать. Хорошо бы еще несколько снизить планку требований к деловым партнерам и коллегам.



Рак. Прислушайтесь к своему самочувствию. При первых признаках простуды или любого другого недомогания принимайте срочные меры. Поделитесь частью домашних обязанностей с близкими людьми, есть риск переутомления, что негативно скажется на здоровье.



Лев. Более всего вас будут занимать деньги и любовь. Причем и в одном, и в другом может несказанно повезти. Для этого нужно выполнить лишь два условия: включить режим строгой экономии и позволить окружающим людям быть самими собой. Никого не критикуйте и не судите строго.



Дева. Энергии достаточно, настроение прекрасное и физическое самочувствие тоже. И все же будьте чуть осторожнее в словах, мыслях и поступках. А чтобы не переоценить свои силы и возможности, заранее и четко продумывайте план действий во всем. Найдите время напомнить о себе давним друзьям.



Весы. Вы рискуете попасть в плен любовных переживаний. Держите себя в руках и постарайтесь не терять голову. Она вам пригодится для работы, которой ожидается много, и сделать ее никто, кроме вас, не сможет. Поэтому не расслабляйтесь, мобилируйте все силы и настраивайтесь на деловой лад.



Скорпион. Привычный распорядок жизни могут нарушить непредвиденные обстоятельства, связанные с дальними родственниками. Кроме этого, потребуется предельная осторожность при использовании электрических приборов и управлении автомобилем. От ваших опрометчивых действий могут пострадать другие.



Стрелец. Приведите себя в боевую профессиональную форму. Предстоит много деловых встреч, которые позитивно отразятся на карьерных делах. Будьте требовательны и к себе, и к другим, не сомневайтесь в своей правоте, в любой ситуации действуйте решительно, но в рамках закона.



Козерог. Пришло время, чтобы хорошо поработать. Но от новых заманчивых предложений, которые могут поступить в данный период, лучше отказаться. К тому же денежная удача ожидается во всем том, что досконально изучено. Если что-то пойдет не так, не сдавайтесь. Все ваши усилия окупятся.



Водолей. Обратите внимание на финансовые дела. Возможно, придется пересмотреть семейный бюджет и значительно сократить траты на развлечения и удовольствия. Несколько стугаются тучи и на работе — постарайтесь не опаздывать, не отлынивайте от своих прямых обязанностей.



Рыбы. Энергии мало, ваше эмоционально-психическое состояние тоже не на высшем уровне. Поэтому не планируйте важных и больших дел. Занимайтесь привычной работой, не требующей серьезных усилий. А еще лучше взять на это время отпуск или хотя бы на пару дней сменить обстановку.

БУЮК СИЙМОЛАР

ЭНДИ ЧЎЛПОН ИИВ АКАДЕМИЯСИДА

Кейинги йилларда миллий маънавиятимизни юксалтиришга, хусусан, адабиётимизга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз пойтахтимиздаги Адиблар хибонида бўлиб ўтган учрашув чоғида ҳозирги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Бу борада ИИВ Академиясида ҳам хайрли ташаббусга қўл урилди. Эндиликда таълим муассасасида Чўлпон музейи билан бирга, шоирнинг бюсти ҳам қад ростлади. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда адабиётшуно олимлар, тадқиқотчилар ва курсантлар иштирок этди.

Чўлпоннинг ҳаёти ва ижоди ғоят мураккаб даврга тўғри келди, – дейди Академиянинг тилларни ўрганиш кафедраси доценти, подполковник Абдуваҳоб Холиқов. – У ҳам шоир, ҳам носир, моҳир драматург ва таржимон сифатида баракали ижод қилди. Адибнинг ҳар бир асариди миллат дарди, миллий уйғониш, эрк ва озодлик ғоялари уфуриб туради. «Адабиёт яшаса – миллат яшар» деган эди у. Бугун миллий адабиётимизга берилган юксак эътибор замирида ҳам бой адабий меросимизни ўрганиш орқали маънавий баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад мужассам.



Тадбирда сўз олганлар шоир бюсти қошида адабий кечалар, маърифат дарслари, ижодкор курсантларнинг шеърӣ тўпламлари тақдироти ўтказиш, ҳарбий-лаштирилган олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда мушоиралар ташкил

этиш борасида хайрли ташаббусларни илгари сурдилар. Чўлпон шеърлари иқтидорли курсантлар томонидан маҳорат билан ижро этилди.

Жамшид ХОЛОВ,
катта лейтенант.

ҚУТЛОВ

ҲАМҚАСБЛАРИМИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Республика «ISTIQBOLLI AVLOD» ижтимоий ахборот маркази томонидан ташкил этилган «Одам савдоси жабранувчиларининг биз билмаган тақдирлари» мавзудаги энг яхши журналистик материаллар танлови якунига етди. Ҳамкасбларимиздан Хоразм вилояти бўйича ўз мухбиримиз Худойберган Жабборов («Нафс қулига айланган кимсалар»), «На посту» мухбири Радик Тумпаров («Одержимые жаждой живых», «Не стать живым товаром») ва Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбиримиз Замира Болтаева («Надежная рука помощи») мазкур танловнинг «Энг яхши мақола» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, яна бир ҳамкасбимиз – Бухоро вилояти бўйича ўз мухбиримиз Мирзоқул Аҳадов фаол иштироки учун ташкилотчилар томонидан таъсис этилган сертификат соҳиби бўлди. Танлов ғолибларини эришган ютуқлари билан самимий муборакбод этиб, келгуси ишларига улкан муваффақиятлар тилаймиз.

ИИВ Бирлашган тахририяти.



Postda

на ночь

MUASSIS:

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir –

polkovnik

Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosari –

mayor Azizjon FAYZIYEV

Mas'ul kotiblar –

Erkin SATTOROV

Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –

Sherzod ABDUSAMADOV

Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –

Ilhom JUMANOV

Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

**Obuna masalalari
bo'yicha:**

71-231-38-74;

95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



9 772010 535001

Tahririyat

hisob raqami

2021000900447980001.

Bank kodi 00420.

ATIB

«Ipotekabank»ning

Mirobod

filiali.

STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyat-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzili:

Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma №V-4301.

Bosilish – ofset usulida.

Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taqoq. 53 598 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda – 180.

Tashkilotlar uchun – 366.

Bosishga topshirish vaqti – 22.00.

Bosishga topshirildi – 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk
ko'chasi 9-uy.